

1930 йил  
12 майдан  
чиқа  
бошлаган



# Посылка

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 1 — 3 (3231—3233)

1999 йил 8 январь, жума

Баҳоси эркин нарҳда

## МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ — АСКАРЛАР АКАДЕМИЯСИ

14 ЯНВАРЬ —  
ВАТАН  
ҲИМОЯЧИЛАРИ  
КУНИ!



4-бет

## ОТАХОНЛАР — ЮРТ ФАЙЗИ

Янги йил арафасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов ИИВ фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази аъзоларини байрам муносабати билан қабул қилди. Вазир кўп йиллар ички ишлар идораларида хизмат қилиб, ҳозирда қарилек гаштини сураётган фахрийларнинг республикамизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда ички

ишлар ходимларига кўрсатаётган ёрдамлари, кўп йиллик тажрибаларини ёшларга ўргатиб, уларни касбига, Ватанга садоқатли бўлишларига руҳий мадад бераётганликларини айтиб, раҳбарият номидан самимий миннатдорчилик билдирди. Барча фахрийларни янги 1999 йил билан муборакбод этиб, бу йилнинг мамлакатимиз ижтимоий ҳаёти, иқтисодиётининг янада ривож топишида кўпгина масалаларни ҳал этишда муҳим ўрин тутганини таъкидлади ҳамда юрт тинчлиги, осойишта-

лигининг барқарорлигини мустаҳкамлашда ички ишлар идораларининг вазифаларига қисқача тўхталди. Фахрийлар номидан сўз олган ИИВ фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Марказининг расиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов байрамолди қабул учун самимий миннатдорчилик билдириб, янги йилда ҳам фахрийлар бутун куч-ғайратлари, билим, тажрибаларини ички ишлар идоралари ходимларига кўмаклашишга сарфлашларини билдирди.

Ўз мухбиримиз.

ЎТ "ЎТЖ"

## СПОРТЧИ ҚОРБОБО ВА ҚОРҚИЗ



2-бет

## Бош муҳаррир минбари

### АЁЛЛАР ЙИЛИ — МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ЙИЛИ

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Аёллар йили деб эълон қилинган 1999 йилнинг ҳам дастлабки кунлари ортда қолди. Жорий йил жамиятимиз маънавий янгиликни, халқимиз ҳуқуқий онгининг ошиши ва дунёқарашининг шаклланишида муҳим босқич бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Зеро, мамлакатимизда юртбошимиз раҳбарлигида бой маданиятимиз, тарихий меросимиз ва умуминсоний қадриятларни атрофича ўрганиб, янада бойитиб, келажак авлодга етказишга алоҳида эътибор берилаяпти.

Юртимизда истиқлол туфайли ёқилган янгилик ва ислохотлар машъали теварак-атрофга йилдан йилга ёруғ нур таратаётгани ушбу йўналишда амалга оширилаётган хайрли ишларга яққол мисол бўла олади. Инсон кадр-қиммати ва манфаатлари улуғланаётган мамлакатимизда яшаётган ҳар бир кишининг келажакка бўлган ишончи янада ортмоқда.

Шундай бўлиши табиий. Бинобарин, мустақил республикамиз раҳбарияти мураккаб ўтиш даври қийинчиликларига қарамай, аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Бу ҳақда Янги йил арафасида бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг XIII сессиясида ҳам сўз юритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилга мўлжалланган Давлат бюджети муҳокама қилинди ва қабул қилинди.

Шуни таъкидлаш жоизки, сессияга тайёргарлик кўриш жараёнида ҳамюртларимизни ҳаяжонга солган ушбу масала кенг жамоатчилик диққат марказида бўлди. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳозирда ўз ҳаёти ва мамлакат молиявий аҳоли 1999 йилда қандай бўлиши билан қизиқмаган одам топилмас керак.

Давлат бюджети муҳокамасида сарф-харажатларнинг асосий қисми ижтимоий эҳтиёжларга сарфланиши айтиб ўтилди. Харажатлар миқдори мазкур йилда кескин кўпайтирилади. Бу эса мустақил юртимизда собиқ иттифоқ таркибидagi бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга катта аҳамият берилаётганини кўрсатиб турибди.

Янги йил арафасида яна бир муҳим воқеа рўй берди. Вазирлар Маҳкамасида кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бўйича маҳаллий ҳукумат идораларининг ислохотлар самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, академик лицей ва касб коллежлари курилишини жадаллаштиришдаги масъулиятини оширишга бағишланган мажлис бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислам Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимиз нутқидан келиб чиқадиган вазифалар бугунги кунда мамлакатимизнинг барча минтақаларида кенг ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Нутқда кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам илгари сурилди. Зеро, келажакимиз, давлатимиз келажаги келгусида қандай ўринбосарлар тайёрлашимиз, кадрларни қай даражада тарбиялашимизга боғлиқ.

Шу боис ҳам мамлакатимиз Президенти кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳақида фикр юритар экан, уни ҳаётга жорий этишдан кўзланган "асосий стратегик мақсад - гуллаб-яшнаган, кучли демократик давлат, фуқаролар жамиятини вужудга келтириш ва бу муқаддас заминимизда яшаётган фуқароларнинг бахт ва иқболга эришишида муҳим омил" бўлиб қолишини таъкидлади.

Хўш, фахримиз, ифтихоримиз ҳисобланган болаларимиз қандай бўлиши лозим? Ишончим комилки, ҳар бир ота-она уларни келажакда худди юртбошимиздек кўришни истаиди: "Улар биздан ақллироқ ва албатта биздан бахтли бўлишлари зарур". Агар ҳақиқатан ҳам ўғил-қизларимиз ана шундай камол топишни хоҳласак, келгусида фарзандларимиз ва невараларимиз билан фахрланишни истасак, улар замонавий билим ва тажрибаларни эгаллашлари, улуғ аждодларимиз бошлаган ишларни давом эттиришларига эришишимиз зарур, дея уқтиради Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан кўйилган муҳим вазифалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига ҳам тааллуқлидир. Улар халқ оммасига ҳуқуқий билимларни сингдириш учун бор имкониятларни ишга солишлари лозим. Ҳар бир фуқаро конунга ҳурмат билан қараб, унга бўйсуниб яшашига ҳуқуқий давлат барпо этишга муваффақ бўламиз.

9-11-бетлар

Muqaddas dargoh  
Malikalari

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрдаги «Экинларни пайхон қилишга қарши курашни фаоллаштириш тўғрисида»ги қарорини ҳаётга тадбиқ этиш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Негаки, республикамизда дончиликни ривожлантириш ва галла маҳсулотларини кўпайтириш иқтисодий-тимизнинг бош негизи ҳисобланади. Қарорда галла экинлари нобуд бўлишининг олдини олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг назоратсиз қолиб, пайхон қилиниши ҳолларига йўл қўймаслик тадбирлари аниқ кўрсатиб берилган.

Ушбу талабларни амалда тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида Навоий вилояти ички ишлар идоралари ходимлари томонидан аниқ ва пухта режалар ишлаб чиқилган. Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйган 22 нафар фуқарога нисбатан чоралар кўрилди.

Вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилаётган туманларда экинлар пайхон қилинишининг олдини олиш ишларини бажарувчи 116 та махсус кузатув постлари ўрнатилиб,

милиция ходимларига 43та от ажратилди ва қонунбузарларга нисбатан кескин чора кўриш жиҳатлари ишлаб чиқилди. Қарор талабларига масъулиятсизлик билан ёндошиб, галла пайхонгарчилигига йўл қўётган раҳбар-

лининг маълум майдондаги галлани пайхон қилгани учун 550 сўм жарима тўлади. Навбахор тумани С. Жўраев номли жамоа хўжалигининг 7-бригадаси аъзоси Искандар Тошев ҳам

## НОНИМИЗ БУТУН БЎЛСИН

лар, молларни қаровсиз қолдираётган фуқароларни аниқлаш, уларга қонунда белгиланган чораларни кўриш учун махсус рейд гуруҳлари тузилди. 45 бош қорамол 0,37 гектар майдондаги галлани пайхон қилганлиги туфайли милиция ходимлари томонидан ҳужжатлаштирилиб, эгалари устидан тўпаланган материаллар чора кўриш учун судларга юборилди. Улардан 15230 сўм миқдорда жарима ундирилди.

Далилларга мурожаат қилайлик. Навбахор тумани, «Истиклол» жамоа хўжалиги, 19-бригадасида яшовчи ва ишловчи Ж. Жўраевга тегишли 2 бош қорамол галлани пайхон қилгани учун ундан 1100 сўм жарима ундирилди. Қизилтепа тумани «Меҳнат-роҳат» жамоа хўжалигининг 9-бригадасида яшовчи Шавкат Пўлатов бир бош қорамол

1100 сўмлик жарима тўлашга мажбур бўлди.

Галла пайхонгарчилигининг олдини олишга маъсул бўлган кишилар ички ишлар идоралари ходимлари билан ҳамкорликда қуйидаги ишларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Биринчидан, экин майдонларини пайхон қилиш ва нобудгарчиликлардан сақлаш мақсадида туман жамоа хўжаликлари ва фуқароларга тегишли бўлган чорва моллари ва қўй-қўзиларни чўпонлар назорати остида оммавий тартибда, келишилган ҳолда боқишни ташкил қилиш. Бу ўз навбатида қаровсиз қолдирилган мол ўғирликлари содир этилмаслигига таъсир кўрсатади. Иккинчидан, чорва моллари ва қўй-қўзиларни боқиш учун жойларда яйловлар ажратиш керак. Учинчидан, жойларда дала қоро-

## Қарор ва ижро

вулларининг масъулиятини ошириш ҳамда уларнинг маошларини ўз вақтида берилишини ташкил қилиб, пайхонгарчиликка йўл қўймаганларни моддий рағбатлантириш. Тўртинчидан, ҳар бир хўжаликда ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ўз-ўзини бошқариш идоралари ва ҳокимликлар вакиллари билан биргаликда рейдлар ўтказиш. Бешинчидан, чорва моллари ва бошқа уй ҳайвонларини яшаш жойларида боқиш учун жамоа хўжалиги томонидан ёрдам тариқасида ем-хашак берилишини таъминлаш. Олтинчидан, маъсул раҳбарлар мактаблар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар, кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш ва тарғибот ишларини йўлга қўйишлари зарур.

Галла экилган майдонлар пайхон қилинишига йўл қўймаслик фақат ички ишлар идоралари ходимлари эмас, балки барчанинг муқаддас вазифасидир. Зеро, дон ризқ-рўзимиз, ҳаётимиз манбаи, халқимиз бойлигидир. Шундай экан, уни оёқости қилиб топталишига йўл қўймайлик.

**Ш. НУРБОБОВ,**  
милиция  
лейтенанти.

## Навбатчилик қисми

### «ГОРИЗОНТ» ҚИММАТГА ТУШДИ

**Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ИИБ навбатчилик қисмига 2-даҳа, 22-уй, 26-хонадонда талончилик содир бўлгани ҳақида хабар тушди.**

Тезкор гуруҳ воқеа жойига етиб борганда жиноятчилар уйни «тозалаб» яширинишга улгуришган эди. Хонадон эгаси В. Маҳмудовнинг айтишича, улар «Горизонт» телевизори ва кийим-кечакларни олиб кетишган.

Олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида ҳеч қаерда ишламайдиган ва яшаш жойининг тайини бўлмаган Ю. С., Г. Б. ва Зангиота туманидаги Марказий кучада истиқомат қилувчи Н. В. ушбу жиноятни содир этганлиги аниқланди ва ушланди.

### УЙИ ОМБОРНИНГ УЗИ

**Хоразм вилоятининг Питнак шаҳрида ўтказилган тадбир чоғида Г. Узоқов кучасида яшовчи У. Рўзметов шубҳа остига олинган тўхтатишда милиция ходимлари ҳайратга тушишди.**

Бунинг боиси бор, албатта. У. Рўзметовнинг ёнидан қорадорига ўхшаш модда ҳамда «Макаров» тўппончасининг 4 дона жанговар ўқи топилди. Унинг уйи тинтув қилинганда эса 2 та рақамлари ўчирилган, овоз пасайтиргич ўрнатилган «Макаров» тўппончаси 19 дона ўқи билан, шунингдек, бир дона қўлда ясалган милтиқ, 7 граммга яқин қорадорига ўхшаш модда олинди.

### БАЛИҚЧИЛАР ЖАРОҲАТ ОПИШДИ

**Жиззах вилояти Фориш тумани ИИБ навбатчилик қисмига Фориш ширкатлар уюшмаси ҳудудида жойлашган балиқчилик хўжалигига қарашли вагонда ёнгин содир бўлганлиги ҳақида хабар тушди.**

Дастлабки суриштирувларда ушбу ҳодисага печь мўрисининг носозлиги сабаб бўлганлиги аниқланди. Шу куни вагон ичида ухлаётган хўжалик балиқчиси А. С. воқеа жойида ҳалок бўлган. 1949 йилда туғилган Н.С. эса куйиш жароҳати билан касалхонага ётқизилган.

Бепарволик, айниқса, ҳозирги қиш кунлари мана шундай хунук оқибатларга олиб келишини асло унутмаслик зарур.

### ҚОТИП УШЛАНДИ

**3 январь кун Сирдарёдаги 5-линей ҳудудида жойлашган кўмирхонадан бедарак йўқолганлиги учун қидирувда бўлган В. Эшонқуловнинг жасоди топилди.**

Бу ҳақда Боёвут тумани ИИБ навбатчилик қисмига хабар тушиши билан дарҳол тезкор гуруҳ тузилди. Кўкрагига пичоқ уриб ўлдирилган В. Эшонқулов 1961 йилда туғилган, ҳаётлигида 3-Боёвут ширкатлар уюшмасида яшаган, омбор мудири бўлиб ишлаган. Тезкор гуруҳ аъзолари у ким томонидан ва нега ўлдирилганини ойдинлаштириш мақсадида суриштирув ишларини олиб боришди.

Натижада ушбу жиноятни юқоридаги уюшмада яшаган, ҳеч қаерда ишламайдиган Т. Р. узаро жанжал оқибатида содир этганлиги аниқланиб ушланди. Терговни прокуратура олиб бормоқда.

### СУМКАДА ҚОРАДОРИ ВА ТЎППОНЧА

**Тўртқўл тумани Мискин жамоа хўжалигидаги ДАН масканда «Мерседес-220» русумли автомашинида тўхташ ишора қилинишга қарамай рўпни бошқараётган қашқадарёлик О.Қ. газ педалини босди.**

Қочоқ ҳайдовчи «Безерген» қўргонида ушланди. Шунда ҳайдовчи ва қосонлик йўловчи Ф.М.га тегишли сумкадан 10 кг. қорадори ва «ПМ» русумли тўппонча чиқди.

Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

(Ўзбекистон Республикаси ИИБ тезкор маълумотномасидан).

## АЙБИ БОРНИНГ ОЎГИ ҚАЛТИРАЙДИ

24 декабрь. Кеч соат 19 лар атрофи. Тошкент шаҳар ИИББга қарашли милиция полковниги Исмомил Қодиров раҳбарлик қилаётган бўлимининг бўлими сардори, милиция капитани Собиржон Нормуродов, милиция катта сержанти Қадим Бекжонов, милиция сержанти Анавар Сайфуллаев, милиция сафдори Эсонбой Буроновлар И. Икромов туманидаги 15-мавзёда ўз хизмат бурчларини адо этиб юришарди. Шунда 4-уй олдида уларнинг қаршисидан спорт сумкасини кутарган жинси шим, чарм куртқа кийган йигит чиқиб қолди. Унинг ички ишлар ходимларига кузи тушиб, ранги оқариб, кузлари бежо ўйнай бошлади. Бунинг сезган милиция ходимлари йигитдан ҳужжатларини сурашди.

Йигит паспортини кўрсатди. У Сурхондарё вилоятининг Сарions туманилик 1979 йилда туғилган А. Юра экан.

Йигитнинг узини бесаранжом тутаётгани ички ишлар ходимларини шубҳа остига солди. Шу сабабли уни бўлимга олиб бориб, у ҳақда туликроқ маълумот олмақчи бўлишди.

Бироқ йигит сал юрмай сумкасини ташлаб жуфтаникни ростламоқчи бўлди-ю, Эсонбой Буронов хушёрлик билан уни қувиб етиб, қўлга олди.

Ички ишлар бўлимида йигитнинг сумкаси текшириб кўрилганда ундан елим халтага уралган 800 граммдан зиёд қорадори чиқди.

**Мурод ТИЛЛАЕВ.**

## ОРЗУЛАРИ КЎП ЭДИ УНИНГ...

...Баҳодир эрталаб ишга отланар экан, умр йўлдоши:

— Дадаси, Янги йил куни туғилган кунингизлиги эсингиздами? Қушалоқ байрамни кутиш учун қушалоқ тайёргарлик кўриш лозимлигини унутманг-а, — деди ҳазиломуз.

— Унутганим йўқ, — кулди Баҳодир. — Ана, уч ўглинг ёнингда, бирга чиқиб харажатларингни қилаверинглар.

У одати буйича ўзига биркитилган ҳудудни бир қур кўздан кечириб, осойишталик эканлигига қаноат ҳосил қилди ва хизмат хонасига кириб, хат-хабарлар билан таниша бошлади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ВЕИН ноziри, милиция лейтенанти Икромбой Сафаев шубҳа билан ушланган икки йигитни хонага олиб кирди.

— Ҳужжатларингиз? — суради Урганч шохбекати тармоқ ИИБ тезкор-қидирув бўлиминининг тезкор вакили милиция капитани Баҳодир Матирзаев.

Йигитлардан бири ички чўнтагига қўл солди ва... ҳужжат урнига ўқ овози эшитилди. Кетма-кет узилган ўқнинг биринчиси Баҳодирнинг бошига, иккинчиси Икромбой Сафаевнинг қорнига тегди. Ўқ овозини эшитган, Урганч шаҳрига кетиш учун поезд кутиб турган фуқаро Баҳодир Жуманазаров милиция ходимларига ёрдамга отилди ва у ҳам

жиноятчиларнинг ўқидан йиқилди...

Хоразм вилоятининг Ҳазорасп темир йўл бекатида юз берган бу воқеа туфайли Б. Матирзаев ва Б. Жуманазаровлар ҳалок бўдилар.

Нақлиёт ИИБ томонидан тузилган тезкор гуруҳнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қотиллардан бири қўлга олинди. У аввал ҳам қотиллик қилганликлари ҳақида кўрсатма берди. Қотилнинг шериклари қидирилмоқда.

Баҳодир ўзининг 33 ёшини қаршилаётган, орзу-умидлари ҳали олдинда эди. Афсус, ёвуз кимсаларнинг ваҳшийлиги унинг у билан бирга яна бир инсоннинг умрига зомин бўлди.

Баҳодир Қурамбаевич Матирзаевнинг порлоқ хотираси касбдошлари хотирасида мангу қолади.

Қотиллар қўлга олиниб, қилмишлари учун қонуний жавоб беришлари шубҳасиз.

**Нақлиёт ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.**



## «ЖАР» ДА

СПОРТЧИ  
ҚОРБОБО ВА ҚОРҚИЗ

Янги йил томошалари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиб билан ишлаш хизмати мамлакатимизда нишонланадиган ҳар бир байрамни ички ишлар идоралари ходимларининг фарзандлари учун тантанали равишда ўтказишни анъанага айлантган. Бу анъанани давом эттирган ҳолда 1999 — Янги йил байрами ҳам Ички ишлар вазирлигининг пойтахтдаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида ўзига хос тарзда нишонланди.

Аввало, шуни айтиш керакки, ушбу спорт иншоотининг қуриб битказилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай бу ерда кўплаб спорт мусобақалари ўтказилди. Шулардан бири — яқиндагина яқунланган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари кўл жанги федерациялари томонидан уюштирилган биринчи халқаро турнирдир.

Республикаимиз Ички ишлар вазирлиги шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Ў. Жўраев Арча байрамига йиғилган болажонлар ва уларнинг ота-оналарини байрам билан қутлаб, Ички ишлар вазирлигининг спорт-соғломлаштириш мажмуи, унда ўтказилган мусобақалар, бу муҳташам спорт саройини қуришдан мақсад спорт ишларини янада ривожлантириш эканлиги, чунки ички ишлар ходимларидан чуқур билим билан бирга соғломлик, чақонлик, жасурлик ҳам талаб қилиниши, бунинг учун эса спорт билан мунтазам шуғулланиш зарурлиги ҳақида гапирди. Шундан кейин болажонлар жўр бўлиб Қорбобони чақирдилар ва байрам бошланди.

Янги йилнинг дастлабки кунидеяк ўтказилган бу тантана Арча байрамининг эмас, катта спорт байрами

сифатида ҳам нишонланди, дейиш мумкин. Муҳташам спорт саройида ўрнатилган ҳашаматли арча атрофида бошланган ўйин-кулгу спорт залидаги мусобақаларга улашиб кетди. Байрам қатнашчилари спортчи фарзандларимизнинг кўргазмали чиқишларини, каратэ, таэквон-до, кун-фу ва кўл курашининг кўплаб турлари бўйича куч синашувларни томоша қилди-

лар ва ўзлари ҳам спорт ўйинларида иштирок этдилар. Кўнгилли ўтган байрам охирида Қорбобо болажонларга аталган совғасаломларини улашди.

Шубҳа йўқки, спорт ўйинлари билан бошланган йилимиз фарзандларимиз қалбида спортга иштиёқ билан бирга уларга мустақам соғлиқ-саломатлик ҳам ато этади.

НИЛУФАР.



## БАЛЛИ, ҲАМКАСЬ!

1998 йилнинг 30 декабрь куни қўшни Туркманистоннинг Чоршанги туманида яшовчи фуқаро Чамангул Пенжиева байрамга совға-салом олиш учун Термиз шаҳрига келган эди. Бозорга бораётиб, талончига учради. Йул ўртасида Чамангулнинг олдини тусиб чиққан бир баланд бўйли йигит ҳе йўқ, бе йўқ унинг қорнига тиззаси билан тепди. Оғриқдан Чамангул букчайиб қолди. Йултўсар пайтдан фойдаланиб, унинг чап қулоғидаги тилла зиракни юлқиб олди-ю, узини кўчанинг нариги томонига урди. Аёл эса қулоғи қонаганича тиззаси билан ўтириб қолди. Вилоят ички ишлар бошқармаси шахсий таркиб билан ишлаш хизмати нозир, ички хизмат катта лейтенанти Шавкат Тошанов шу кўчадан бораётиб, воқеанинг устидан чиқиб қолди.

Йуловчилар томошабинлигида ерга тизза чўкиб қолган аёл ва йулнинг нариги томонида қочиб кетаётган йигитни кўрдию, нима воқеа юз берганлигини англаб, иккилаб ўтирмасдан талончининг ортидан югура бошлади. Катта, серкатнов йулдан ўтиб турган машиналар орасида чопа бориб, ҳатто тез келаётган «РАФ» русумли микроавтобус тагига тушиб кетишига сал қолди. Ҳайдовчи усталиб қилиб, рулни бурди, бироқ ёнбоши билан милиционерни туртиб юборди. Шавкат бир томонга йиқилиб, оёғи бироз лат еса-да, яна ўрнидан турганча талончининг кетидан қувишни тўхтатмади ва уни қувиб етди. Талончи ортига бурилиб, чунтагидан учи ўткир совуқ қуролини олиб, Шавкатга ташланмоқчи бўлди. Бироқ Шавкат чақонлик билан унинг ҳамласига чап бериб, қарши ҳужумга ўтди. Бир дақиқа ичида талончининг оёғи осмондан келиб, милиционернинг кучли қўллари орасида типирчилай бошлади. Қўл-оёғи боғланган талончини елкасига кўтариб олган Шавкат жабрланувчининг олдида келди ва иккита холислар билан ИИБга олиб келди.

С. АБДУВОҲИДОВ.

Бундан тўрт-беш йил бурун вилоятда раҳбарлик лавозимида ишловчи кишининг хонадонига катта миқдордаги пулни белгиланган жойга элтиб қўйиш, ақс ҳолда оқибати ёмон бўлиши билдирилган хат тушганди. Ушанда уй эгаси ҳеч иккиланмай милицияга мурожаат қилган ва вилоят ИИБ ходимлари рэкетчини далилий ашё билан қўлга олишганда арз қилган киши ҳайрон қолганди. Чунки рэкетчи унга жуда таниш йигит бўлиб чиққан эди.

Маргилонда руй берган босқинчиликка эса бир маҳаллада яшовчи йигит раҳбарлик қилди. Жаҳонгир маҳалладошининг ўйни қай йул билан тунаш мумкинлигини кўп ўйлади. Бир ўзи бу ишни уқдалай олмаслигига ақли етиб, яйпанлик уч нафар танишлари билан бирга ишга киришди.

Хонадонга келиб уй соҳибини қақришганди, қутилмаганда унинг аёли чиқди. Ҳеч нарсани ҳаёлига келтирмаган аёл эри бо-

ҚИЗЧАЛАР ТАНИБ  
ҚОЛИШГАНДИ

зорга кетганини айтиб, ичкарига кириб кетди. Тўрттовлон бир-бирига қаради. «Бироз кутиш керак, — ўйлади Жаҳонгир. — Ҳозир одамлар кўп, шовқин-сурон бўлиб қолса, ёрдамга келувчилар топилиб қолади. Яхшиси, тушликка яқин режани амалга оширган маъқул».

Кундуз соат 12.00 лар атрофида босқинчилар қўлқопларни кийиб «Жигули»га ўтиришди-да, яна ҳалиги хонадон эшиги олдида пайдо бўлишди. Бу пайтда ҳовлида икки қизча кир ювиб ўтиришарди. Газандалар уларнинг оёққўллари боғлаб, дўқ-пўписага ўтишди.

— Қани, тез гапиринлар, пуллар, тилла тақинчоқлар қаерда? Овозингизни кўтарсангиз ўлдим деяверларинглар?

Кўйинги, уч босқинчи бола бечораларнинг юрагини ёргудек бўлиб, уйдан 70 ми-

нг сўм пул ва тилла тақинчоқларни қўлга киритишди ва тезда кўздан гойиб бўлдилар.

Улар «Жигули» эгасининг уйига бориб, ўша ерда ўлжани булишишди. Аммо хурсандчиликлари узоққа бормади. Қизчалар қанчалик кўрқимасин, Жаҳонгирни таниб қолган эдилар.

Маргилон шаҳар ИИБ тезкор гуруҳига жиноятқидирув бошқармаси ходимлари Абдурахмон Исмоилов, Убайдулло Мамажонов, Ёқубжон Отабевлар ҳам қўшилдилар. Тез орада босқинчилар қирқма милтик, пичоқ, қўлқоп, пул ва тилла тақинчоқларни ташлаб кетган жойни кўрсатдилар. Охунбобоев тумани Қумтепа бозори рўпарасидаги катта йул бўйида жойлашган тол тагидан ашёвий далиллар олинди.

М. КИМСАНБОВ.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ  
ҲАЗИПИ

Бекорчидан худо безор. Уч ўқувчи — Нуриддин, Илҳом ва Зоҳидлар телефон симига ишқибоз чиқиб қолди. Улар симёғочга осилиб маймундай юқорига ўрмалашнинг ҳам уқдасидан чиқишди. Қарабсизки, ҳазилхузул билан 3200 метр телефон симини узиб, бир пастанда ўзлариники қилиб олишди. Қорахитой қишлоғиликлар телефонига тумов теги. Кимнинг асаби чақнаган, кимнинг зардаси қайнаган. Хуллас, ҳамма нотинч. Гузор туманидаги Ҳамза номли мактабда ўқийдиган уч ўртоқнинг сирли фож бўлган, асаббузарликларга нуқта қўйилди. Шундан кейингина улар дунёдаги ҳар хасу чўп ҳам ҳисоб-китобли эканлигига иқдор бўлишди.

СОВУН КЕТДИ,  
ЁҒ КЕТДИ

Косон туманидаги дезинфекция станцияси жамоси «Совун кетди, ёғ кетди» ашуласини қиёмига етказиб хиргойи қилармиш деган гап дув-дув тарқалди. Ҳе, бу бўлмаган гап. Подадан олдин чанг чиқариш кимга керак. Бор-йўғи станция омборхонасидан 100 дона кир совун ва 80 шиша пахта ёғи ўғирланган экан. Қурмагур, бу ўғирликни мўйлови ҳали сабза урмаган 15 ёшли Б. У. содир этибди. Ушандан бери биров юқоридаги қушиқни эсламай қўйибди.

«ҲАМЕНИМ  
ҚАНИ?»

Қарши шаҳридаги марказий кўчалардан тошбақа юриш қилиб чайқалиб бораётган 4-маршрутдаги автобус йуловчиларидан бири

## ҚИСКА САТРАЛДАРДА

туйқусдан додлаб юборди. Ҳамма йуловчи тахтадай қотди. «Ҳаменим қани?» дерди бояги йуловчи. Яхшиям шу чоғ милиция ходимлари пайдо бўлишди. Уларнинг «афсуни» билан Борис Д. исмли шахс чунтагидан ҳаменни олиб, юқорига ҳаволатди. Ҳамен эгаси Гулзода Нормуродовнинг қувончи чексиз эди. Ахир, у ҳаменидаги 4200 сўмлик омонатига қайта эгаллик қилди. Нуқул ҳаяжон билан: «Милиция ходимларининг бориға шукур», дея кўнгил изҳорини билдирарди.

МАШИНА  
САМОПЕТМИ?

Қамаши — Майденак йуналиши бўйлаб учиб бораётган «Урал-4320» русумли автомашинага кўзи тушганлар ёқасига туфларди. Шошиб Америкага борармидинг деганлар ҳам топилиб қолди.

Бир чол эса соқолини тутамлаб: «Вай-бай, машинанинг самолёт бўлиб ўқишини биринчи кўришим», дея асога суюниб қолди. Ҳайдовчи Аллаёр Ражабовнинг эса парвойи фалак, Машинага ўт берарди. Машина тоқатим тоқ бўлди дегандек охири катта тезлик оқибатида йул четига чиқиб ёнбошлаб қолди. Ана қий-чув. Бақирган ким, чақирган ким. Аллаёрбой бир чеккада алла айтаётгандек, чайқалиб ўтирарди. Яхшиям яхшиларнинг шарофати билан йуловчиларга ўз вақтида ёрдам курсатилди. Аммо 7 нафар йуловчи тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилди. 1 нафар йуловчи эса касалхонага келтирилганда жон берди. Ана шунда А. Ражабов машина самолёт бўлиб уқолмаслигига ишонди. Қамаши тумани ички ишлар бўлимида йул-транспорт ҳо-

дисаси сабаблари ўрганилмоқда.

РАШКМИ БУ,  
Ё АЛАММИ?

Ш. М 2-гуруҳ ноғирони. У қайси бир қуткуга учди, собиқ хотини О. Исмоилованинг уйида туйқусдан пайдо бўлди. Ҳе йўқ, бе йўқ уйга ўт кўйди. Бирпасда уй қора тутун орасида қолди. Ҳайрият, кўни-кўшнлар ёрдамида ёнгин жоловланди. Аммо 21 квадрат метр жой ёниб яроқсизланганди. Натижада О. Исмоилов ёнгин туфайли 195 минг сўм миқдорда моддий зарар кўрди. Ёнгининг асил сабабларини Қарши тумани ички ишлар бўлимида ўрганилмоқда.

Ўроз ҲАЙДАРОВ,  
милиция майори.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

## МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ — АСКАРЛАР АКАДЕМИЯСИ

Қадди расо, саф кўникмаларини мукамал эгаллаган бу йигитларни деярли бутун Ўзбекистон халқи билади. Уларни «зангори экран» орқали жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари аҳолиси ҳам кўрган. Булар — Миллий гвардия фахрий қоровуллар бўлими аскарларидир.

Шу ўринда ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган бир лавҳани эсга олиш жоиз. Мустақил Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган хорижий меҳмонни тантанали кутиб олиш маросимида байрам кийимидаги учувчилар, танкчилар ва десантчилардан иборат бўлим аскарлари шахдам қадам ташлаб бораяпти. Олдинда Давлат байроғини олиб кетаётган байроқдорлар — сафдорлар Д. Абдураззоқов, А. Иброҳимов ва З. Қўшмоқовлар эса йирик тасвир-

да намоён бўлишди.

Шуни айтиш зарурки, бундай шарафли вазифа ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун бўлинмадаги аскар, аввало, ойлаб машаққатли машқларни бажариши, кўплаб тантанали маросимларда иштирок этиши зарур. Шундан кейингина раҳбарият саф кўникмаларини батафсил эгаллагани ва ҳарбий маҳоратга эга бўлган номзодлар орасидан энг намуналисини танлаб олади.

Одатда бу пайтгача аскар муайян тажриба тўплайди, булинма сардори ёки муовини даражасига кўтарилиб, узига муносиб ўринбосарларни тайёрлаб бошлайди. Шу ўринда муддатли хизмат давомида аскарлар нафақат саф кўникмаларини эгаллаши, балки юқори даражадаги ҳарбий тайёргарликдан ҳам ўтиши аён бўлади. Бу эса Қуролли кучларимизга етук кадрлар

тайёрлашда муҳим омилдир.

Ҳарбий хизматнинг узига хос жиҳатлари сафдор З. Қўшмоқовни ҳам қизиқтириб кўйди. У Сирдарё вилояти, Меҳнатобод тумани, Пахтакор давлат ҳужалигида яшаётган яқинлари, юртдошлари муддатсиз хизмат қилишдан беҳад мамнун бўлишларини яхши билади.

О. Исमतов эса келгусида эғнидаги авиаторлар кийимини милицияникига алмаштирмоқчи. Наманган вилояти Чуст туманидаги қадрдон уйига қайтиб боргач, албатта, ички ишлар идорасига ишга кириш ягона орзуси.

Катта ўқчи, сафдор Д. Ахрорқулов ҳам Жиззахга боргандан кейин эғнига милиция кийимини кияди. Қадди расо, интизомли, саф кўникмаларини муваффақиятли эгаллаган бу йигит осойишталик посбони деган шарафли номни

оқлашига шак-шубҳа йук.


Самарқанд вилояти Оқдарё туманидан келган З. Очилов фахрий қоровуллар бўлинма десантчисидир. Бу йигит кейинчалик ҳам Қуролли кучлар сафида хизматни давом эттиришга аҳд қилган.

Юртимизда Қуролли кучлар ташкил этилгач, ўтган етти йил давомида Миллий гвардия сафларида чиниққан, ўз ҳаётини мустақиллик ва Ўзбекистон суверенитетини ҳимоя қилишга бахш этаётган ҳақиқий углонлар билан тўлдирилмоқда.

Миллий гвардияда хизмат бурчини муддатли ўтаган аскар ва сержантларнинг аксарияти муддатсиз хизматга қўлашаёпти, бошқалар эса милицияда, миллий хавфсизлик, боғхона хизматларида ишлаш истагини билдирмоқда.

Бир суз билан айтганда, бу ерда ўз бурчини муваффақиятли адо этган, кўзланган мақсад сари интилувчан, ташаббускор, қийинчиликлардан чўчимайдиган йигитлар ҳаётга йўлланма олмақдалар.

**В. КАЛОШИН,**  
подполковник.



Кутубхоналар шахсий таркибни ватанпарварлик, хизматдошларига нисбатан дўстлик руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Шу боис ҳам жойларда кутубхоналар фаолиятини яхшилашга алоҳида эътибор берилади. Суратда: кутубхона мудираси Г. Холмуродова ўқувчиларни янги китоблар билан таништирмоқда.

### ЎРГАНДИМ, ЭНДИ ЎРГАТАМАН

Кўпдан бери орзиқиб кутган кун ҳам келди. Менга ва бир неча хизматдошларимга, бўлинмадаги яхши, илғор аскарлар сифатида «кичик сержант» унвони беришди.

Бу унвонга эришиш, хизмат қилиш осон кечмади, албатта. Ўқув даври мобайнида жанговар, саф ва жисмоний тайёргарликларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан пухта эгалладим. Энди ўзим ҳам ёш аскарлар билан машқ ўтишга, уларга ўргатишга ишончим комил.

Ўқув даврида бўлинма сардори, лейтенант С. Абдусамидов ва булинма старшинаси Н. Мамадалиевдан кўп нарсаларни ўргандим.

Битирув имтиҳонларида юқори баҳолар олганим устозларни ҳам қувонтирди. Энди бўлинмага йўлланма беришди. Албатта, яхши сардор бўлишга ҳаракат қиламан, бутун билим ва тажрибаларимни ёш аскарларга ўргатаман.

**Р. ЦИГАНКОВ.**

## ҚАЛБ АМРИ БИЛАН

Оддий аскар Сапарбой Абдуалиев жамоада хурматга сазовор йигитлардан. Хизматдошлари ўртасида илғорлиги, фидойи меҳнати эвазига яқинда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ички кўшинлар бошқармасининг бошлиги номидан қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Сапарбой асли Хўжайли шахридан. У Нукус давлат университетининг иқтисодиёт факультетини тугатиб, армия сафига чақирилгунча солиқ хизматида ишлади.

Кўшинларга хизматга келганда у

радиотелеграфист бўламан деб ўйлаб ҳам кўрмаганди. Қизиқувчан, тиришқок йигит янги мутахассисликни тезда эгаллаб, яхши хизматчилар қаторидан ўрин олди. Яқинда дала машқида, ўз экипажи билан бирга бўлинмани юқори штаб билан узлуксиз ва мустаҳкам алоқасини таъминлади. У ана шу фидокорлиги учун тақдирланди.

Яқинда у армия сафидан бўшатилади. Хизматга анча кўникаб, ўрганиб қолган Сапарбой қалб амри билан қатъий қарорга келди. Армия хизматидан кейин, ички ишлар соҳасига ишга киради.

— «Шеф» билан учраша олмасангиз керак, — деди офицер А. Айсин, — оилавий шароит туфайли таътилга чиқиб кетди.

Менинг ҳайрон бўлиб турганимни кўриб, кулиб деди:

— Объектда, булинмада уни «шеф» дейишга одатланиб қолганмиз.

У ерда бир неча кун бўлганимдан кейин, уни нима учун «шеф» дейишларини тушуниб олдим.

Майор Самуил Нигматуллин бу бўлинмада қарийб 26 йилдан бери ишлайди. Фарғоналик. Саратовдаги олий-ҳарбий сардорлик билим юртини тугатиб, шу ерга ишга келган. Ўтган йилларда хизматнинг барча погоналарини ўтади. Одатда офицерларнинг бир жойда кўп йиллар хизмат қилиши кам учрайди. Майор С. Нигматуллин уз мутахассислигининг энг нодирларидан бўлгани учун ҳам бу «қонда»ни четлаб ўтган.

Бўлинма сардори, зобит Ш. Чиналиев С. Нигматуллин ҳақида фахр ва гурур билан шундай деди: — Хизматга чин дилдан

## ОБРЎСИ — ХИЗМАТ ТУФАЙЛИ

ёндошадиган, масъулиятни чуқур ҳис этадиган, ўз ишининг ипидан игнасиғача биладиган зобит. У объектнинг ишлаб чиқариш жараёни технологиясини яхши тушунади, бу эса назорат хизматини ташкил этишда жуда қўл келади. Ҳарбий хизматчиларнинг қоровулликдаги маиший хизматларини яхшилашни кучайтириш борасида кўплаб таклифлар киритади. Унинг фаол иштирокида объектда қуриқлашнинг муҳим эитлиди. Бу албатта, хизмат самарадорлигини оширишга омил бўлди.

Майор Нигматуллин изланувчан, янгилликка уч одам. Яқинда қўмондонликка назорат хизматини ташкил этиш бўйича компьютерлашган дастурини тузишни таклиф этди. Бунга хизматга тайёргарлик куриш, постларда вазифаларни бажариш тартиби ва бошқа масалалар киритилади.

Ҳозирча зобит ўзи бош бўлиб олган видеофильмдан фойдаланяпти. Бу ўқув видеофильми қоровуллар ва назоратчиларни тайёрлаш, уларнинг вазифаларини тушунтиришда қўл келяпти. Ички кўшинлар ўқув машқларида ҳам фойдаланилмоқда. Лекин, барибир компьютер дастури анча мукамал ва замонавий бўлади, деб ҳисоблайди.

Жанговар хизмат сифатини ошириш учун доимо қайғуради. Бир неча йил аввал унинг ташаббуси билан бўлинма раҳбарияти объект маъмуриятига хизмат маъмуриятига хизмат эришган ҳарбий хизматчиларни моддий рағбатлантириш таклифи билан чиқди. Маошга қўшимча бериш ҳозир ҳам давом этяпти. Агар назоратчи хизмат давомида ҳушёрлик курсатиб, ўғрилиқнинг олдини олса ёки шу каби моддий бойликларни сақлаб қолса, мукофот миқдори ошади.

Майор Нигматуллин ўз хизмат давомида кўп шогирдлар тайёрлади. Узунинг ҳарбий тажрибаларини ёшларга ўргатди. Шогирдларидан майор В. Ерёмин нафақага чиқишга улгурди.

Зобитнинг хизматдаги ютуқлари, касб маҳоратининг ошиб бориши унинг оиласига ҳам боғлиқ. У қарийб чорак асрдан бери Нина Дмитриевна билан ширин ҳаёт кечириб келяпти.

Оилада тўрт нафар фарзанд улғайиб вояга етляпти. Галина ва Евгенияни ўз тарбияларига олишган. Улар бугун ўз муваффақиятлари билан ота-оналарини хурсанд этмоқдалар.

Майор С. Нигматуллиннинг хизмат фаолияти ҳақида яна кўп гаплар айтиш мумкин. Унинг хизматлари II даражали «Шон-шараф» орденига лойиқ деб топилди.

## МОҲИР ҲАЙДОВЧИ, МЕҲРИБОН УСТОЗ

Ички кўшинлар сафида хизмат даврида аскарлар жисмонан чиниқиб, эркакларга хос мустаҳкам иродали бўлиб, кўплаб фойдали касб ва мутахассисликларни эгалладилар. Бу улар учун хизматдан кейин ҳам асқотади. Албатта, бунда устозларнинг доимий эътибори, тажрибаси катта аҳамиятга эга.

Катта прапорщик Н. Тошнӣёзов юксак маҳоратли ҳайдовчи. У қарийб йигирма йилдан бери ички кўшинлар бўлинмаларидан бирида хизмат машиналарини бошқариш бўйича йўриқчи

бўлиб ишлайди. Унинг устозлигида кўплаб аскарлар юк автомашиналари ва автобусларни бошқаришни ўрганиб, маҳоратларини оширганлар. Ёш аскарларга бўлган талабчанлик, қатъийлик уларнинг тездан машиналарни бошқариш, замонавий техникаларни мукамал ўзлаштириш ва хизмат вазифаларини бекамукўст бажаришларида қўл келяпти. Бу меҳрибон устознинг машина рулига ўтирганига ўттиз йилдан ошди.

**М. САЙЧЕНКО.**

Суратда: Н. Тошнӣёзов иш устида. Муаллиф олган сурат.



Саҳифа материалларини Ш. КАРИМБОЕВ ва С. ШАМСИДИНОВ тайёрладилар.

**ДУШАНБА, 11**

**ЎзТВ I**

18.00 Янгилар.  
18.10 Болалар учун. «Гулгунчалар».  
18.25 «Калкон».  
18.40 Волейбол буйича Ўзбекистон чемпионати.  
19.05 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий курсатув.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
20.00 «Ришта». Катталар учун мультфильм.  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Истиқлолим — истиқболим».  
21.30 Муборак Рамазон тўхфаси. «Мухаммадун Расулulloҳ». Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 5-фасл. 24-қисм.  
22.15 «Янги йил баъзи». Мусикий дастур. 1-қисм.  
23.00 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 11-қисм.  
23.50 «Ахборот».  
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

**ЎзТВ II**

18.00 Курсатувлар дастури.  
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Кувнок учрашув», Мультмоша).  
18.40 «Ақл — ёшдамас».  
18.55 Мусикий лаҳзалар.  
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.  
19.30 «Кулгига нима етсин».  
19.50, 20.40, 22.30 — Эълонлар.  
19.55 «Доктор Финли». Телесериал.  
20.45 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.  
21.05 «Сурур».  
21.15 «Хонадон».  
21.30 «Ёшлар» телеканалида.  
21.35 «Эгиз қўшиқлар».  
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.  
22.35 Синема. «Алп йигитнинг уйланиши» (Грузия).  
23.40 «Эгиз қўшиқлар» (давоми).  
00.40 Хайрли тун!

**ЎзТВ III**

17.55 Курсатувлар дастури.  
18.00 «ДАРАКЧИ».  
18.10 «Ерилотш». Мульттўплам.  
18.20 «Телефакт» (рус тилида).  
18.30 «Сен ҳақингда ва сен учун» (узбек тилида).  
18.40 «Ташналик». Телесериал.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
20.00 «Очиқ дарс».  
20.20 «Телефакт» (узбек тилида).

**СЕШАНБА, 12**

**ЎзТВ I**

5.00 Муборак Рамазон тўхфаси. «Мухаммадун Расулulloҳ». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 5-фасл. 24-қисм.  
5.45 «Ибратнома».  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
7.30 «Ахборот».  
8.00—8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент: кеча, бугун ва эртага».  
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.  
8.45 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.  
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 11-қисм.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгилар.  
10.05 «Телевидение ва томошабин».  
10.30 Янги алифбони урганамиз.  
11.00 Кундузги сеанс: «Самсон ва Салли». Мультфильм.  
12.05 «Ўзгилгинг намоян қил». Экранда — Тошкент виллояти.  
12.40 «Билимлар байрами».  
13.00 «Ха, ҳа, ҳа...» Ҳазил, ҳажв, хангома.  
13.25—14.00 Эстрада хонандалари куйлайди.

**ЎзТВ II**

17.55 Курсатувлар тартиби.  
18.10 «Орзули олам бу».  
18.30 «Шеър ва шуур».  
18.40 «Бинокор».  
19.00 «Қўшиқларда қалбим яшайди». Ҳада Юсупова.  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
20.00 «Иқтисодий чорраҳаларида».  
20.15 Оқшом эртаклари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Истиқлолим — истиқболим».  
21.25 Муборак Рамазон тўхфаси. «Мухаммадун Расулulloҳ». Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 5-фасл. 25-қисм.  
22.10 «Янги йил баъзи». 2-қисм.  
23.50 «Ахборот».  
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

**ЎзТВ III**

18.00 Курсатувлар дастури.  
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 11-қисм.  
18.35 «Ғазал соғинчи».  
18.55 Мусикий лаҳзалар.  
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.  
19.30 «Солиқ ҳақида сабоқлар».

20.30 «Ахборот».  
21.05 «Таггерт». Телесериал.  
21.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».  
22.10 «Спорт-тайм».  
22.35 «ДАРАКЧИ».  
22.45 «Япония ҳақида ҳикоялар».  
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.  
23.15 Саргузашт фильмлар экрани.  
00.45 «Талабларга биноан...».  
01.05 Хайрли тун, шаҳрим!

**ЎзТВ IV**

«Халқаро» телеканали  
5.00 Муборак Рамазон тўхфаси. «Мухаммадун Расулulloҳ». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 5-фасл. 23-қисм.  
5.45 Мумтоз мусиқа.  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
7.30 «Тахилнома».  
8.10—8.30 «Саънат олами».

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Матлубанинг бахти». Фильм-концерт.  
9.05 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув.  
9.30 «Жаҳон спорти».  
9.40 «Олтин тоқ». Телевизион уйин.  
10.00, 12.00, 14.00 — Янгилар.  
10.05 «Кино янгиларлари».  
10.20 «Қишлоқ ҳақида уйлар».  
10.40 «Сехрли шуъла».  
11.00 «Куй ва тасвир».  
11.20 «Эртақлар — яхшиликка етаклар».  
12.05 Кундузги сеанс: «Ой камалаги». Бадий фильм.  
13.30—14.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.

16.45 Курсатувлар тартиби.  
16.50 «Мультсайёра».  
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.  
Россия жамоат телевидениеси.  
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».  
19.10 Душанба кўни Познер билан. «Никобдаги киши» дастури.  
19.50 Сериал премьераси. «Бутажордаги хиргойилар».  
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
21.00 «Время».

21.35 «Мухаббат тарихи». Телесериал. 170-қисм.  
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот курсативи.  
22.25 «Музейга сайҳат».  
22.40 «Ўтмишсиз келажак йўқ».  
23.00 «Вести».  
23.35 Киносеанс: «Шайтон малайлар». Бадий фильм.

19.45, 20.40, 22.30 — Эълонлар.  
19.50 «Доктор Финли». Телесериал.  
20.45 «Буюк юрт фарзандиман».  
21.00 «Марду майдон».  
21.25 «Болалар» гуруҳи — мехмони-миз.  
21.55 «Ёшлар телеканали» да.  
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.  
22.35 Синема. «Ҳазодан қочиш». Жангари фильм.  
00.05 Шарқ эстрадаси.  
00.20 Хайрли тун!

**ЎзТВ III**

17.55 Курсатувлар дастури.  
18.00 «ДАРАКЧИ».  
18.10 Болалар учун. «Энди эртақ бошланади».  
18.30 «Ҳиндистондан салом». Мусикий тўплам.  
18.40 «Ташналик». Телесериал.  
19.25, 20.25, 21.00 — Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
20.00 «Янги ой қиққан кеча».  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Таггерт». Телесериал.  
21.55 «Сўхбатдош». Публицистик курсатув.  
22.15 «Бу — джаз».  
22.30 «Бешикчи ўлчов».  
22.50 «ДАРАКЧИ».  
23.00 «Мусикий сайёра».  
23.40 «Морт ва Фил». Мультсериал.  
00.05 Оҳанглар ва эълонлар.  
00.15 «Кинонигоҳ».  
01.55 «Хайрли тун, шаҳрим!».

**ЎзТВ IV**

«Халқаро» телеканали  
Россия жамоат телевидениеси  
7.30—9.00.  
16.45 Курсатувлар тартиби.  
16.50 «Мультсайёра».

17.10—18.45 Туркия телевидениеси  
Россия жамоат телевидениеси  
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».  
19.10 «Мавзу».  
19.50 Сериал премьераси. «Бутажордаги хиргойилар».  
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
21.00 «Время».

21.35 «Мухаббат тарихи». Телесериал. 171-қисм.  
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот курсативи.  
22.25 «ТВ IV да немис тўққини».  
22.45 «Касба назар».  
23.00 «Вести».  
23.35 Киносеанс: «Маймунлар сайёраси». Бадий фильм.  
01.05 «Ахборот» (рус тилида).  
01.30 Тунги сеанс: «Қайсар кўзининг куйиши». Бадий фильм.  
02.50—02.55 Тунингиз осуда бўлсин!

00.55 «Ахборот» (рус тилида).  
01.20 Тунги сеанс: «Асрлар оша». Бадий фильм.  
03.00—03.05 Тунингиз осуда бўлсин!

**30-канал**

Соат 15.00 га қадар линияда профилантика.  
15.05, 18.00, 19.55, 20.00, 01.15 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».  
15.30 «Олов гилдираги». Телесериал (Бразилия).  
16.00 «Эсдалик учун дастхат». Мусикий-дам олиш дастури.  
16.30 «Нано». Телесериал (Аргентина).  
17.15 «Карапуз-ТВ».  
17.40 «Шаддодлар ва гузаллар». Телесериал (АҚШ).  
18.20 «Элен ва болалар». Ёшлар телесериали (Франция).  
18.45 «Қора марварид». Телесериал (Аргентина).  
19.30 «Оқ тўти» клуби. Ҳажвий дастур.  
20.20 «Клип-совга».  
21.10 Спорт янгиларлари.  
21.35 «Юлдузлар чарақлаган душанба».  
23.15 «Биринчи даражадаги қотиллик». Сериал (АҚШ).  
24.00 «Бедорлик».  
00.50 Тунги мусикий канал.

**РЖТ**

6.00 «Хайрли тонг!».  
9.00, 12.00, 15.00, 18.00 — Янгилар.  
9.15, 12.00 — «Қаҳри қаттиқ фаришта». Сериал.  
10.10 «Сихат-саломатлик».  
10.45 «Муҳаббат майдони».  
11.40 Мультфильм.  
11.50 «Хонаки кутубхона».  
12.15 «Биргалашиб» дастури.  
13.00 «Сильва». Мусикий комедия. 1-серия.  
14.10 «Янгра, гармон!».  
14.40 «Болек ва Лолек». Мультсериал.  
15.15 «Синбоднинг янги саргузаштлари». Сериал.  
15.55 «Юлдузли онлар».  
16.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар».  
18.15 «Бу эрмак жониворлар».  
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».  
19.10 Душанба кўни Познер билан.  
19.50 «Бутажордаги хиргойилар». Сериал премьераси (АҚШ).  
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
21.00 «Время».  
21.50 «Тўш қуришга ишқибозлар». Сериал.  
22.45 «Нигоҳ».  
23.25 Шу куннинг янгиларлари.  
23.45 Сергей Параджановнинг сунгги

**30-канал**

8.05, 13.50, 18.00, 19.55, 20.00, 01.15 — «ТВ-ҳамкор», «Метеохабар».  
9.00 «Кинононушта».  
10.30 «Бержерак». Детектив телесериал (Англия).  
11.20 Тунги киносеанс.  
13.00 «Еввойи мушук». Телесериал (Бразилия).  
14.10 Кундузги киносеанс.  
15.30 «Олов гилдираги». Телесериал.  
16.00 «Кино оламида». Ахборот-дам олиш дастури.  
16.30 «Нано». Телесериал.  
17.15 «Карапуз-ТВ».  
17.40 «Шаддодлар ва гузаллар». Телесериал.  
18.20 «Элен ва болалар». Телесериал.  
18.45 «Қора марварид». Телесериал.  
19.30 «Ғаройиб воқеалар». Телесериал (АҚШ).  
20.20 «Клип-совга».  
21.10 Спорт янгиларлари.  
21.35 «Оилави кино».  
23.15 «Биринчи даражадаги қотиллик». Сериал.  
24.00 «Бедорлик».  
00.50 Тунги мусикий канал.

**РЖТ**

6.00 «Хайрли тонг!».  
9.00, 12.00, 15.00, 18.00 — Янгилар.  
9.15, 17.00 — «Қаҳри қаттиқ фаришта». Сериал.  
10.15 «Нигоҳ».  
11.00 «Кулги панорамаси».  
11.30 Мультфильм.  
11.50 «Хонаки кутубхона».  
12.15 «Биргалашиб» дастури.  
13.00 «Сильва». 2-серия.  
14.30 Мультсериал.  
15.15 «Синбоднинг янги саргузаштлари». Сериал.  
15.50 «Бахтли тасодиф».  
16.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар».  
18.15 «Куйини топинг».  
18.45 «Шу ерда ва ҳозир».  
19.10 «Мавзу».  
19.50 «Бутажордаги хиргойилар». Сериал.  
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!  
21.00 «Время».  
21.50 «Дима Горин мансаби». Комедия.  
23.35 Хоккей. Евролига. «Динамо» (Москва) — «Лександ» (Швеция).

**РДТ**

7.00 «Хайрли тонг, Россия!».  
9.15, 19.30, 00.40 — «Навбатчи қисм».  
9.35 «Курсатувлар дастури». Телеуйин.  
9.55 «Товарлар — почта орқали».  
10.00 «Санта-Барбара».

«Ошиқ Ғариб» фильми.  
**РДТ**  
7.00 «Хайрли тонг, Россия!».  
9.35 «Курсатувлар дастури». Телеуйин.  
9.55 «Товарлар — почта орқали».  
10.00 «Санта-Барбара».  
10.45, 13.10 — «Мусика, мусика...».  
11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 24.00 — «Вести».  
11.35 «Петербург сирлари». Телесериал.  
12.30 «Рус лотоси».  
13.30, 16.15 — Мультфильмлар.  
14.35 «Унинг юзини тусинг». Телесериал.  
15.25 «Бойлар ва машхурлар». Телесериал.  
16.30 «Биринчи бусалар».  
17.35 «Минора». Ёшлар ахборот-дам олиш дастури.  
18.00 «Компьютер».  
18.15 «Эски Янги йил». Кинокомедия. 1-серия.  
19.35 «Тепалик». Қисқа метражли фильм.  
20.30 «Тафсилотлар».  
20.45 «Бир боқишда муҳаббат».  
21.15 «Ярим кечадаги парвоз». Бадий фильм (АҚШ).  
23.05 «Лос-Анжелесдаги жазирама». Полиция сериали (АҚШ).

**ТВ-6**

9.00 «Кундан кунга».  
10.35, 19.35, 01.35 — «Йул назорати».  
11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 20.00, 01.50 — «ТСН-6».  
11.10, 20.30 — «Кувшининг учинчи сайёраси». Сериал.  
11.40 «Star старт».  
13.10 «Обозреватель» таҳлилий курсативи.  
14.15, 02.50 — «Сифат белгиси».  
14.30 «Ҳафта спорти».  
15.10 ТВ-6 кинотеатри. «Ч. Чаплининг комедиялар тўплами».  
17.15 «Хиссиётлар». Сериал.  
18.10 Мультсериал.  
18.30 «Деграсси кучасидаги ўсмирлар». Сериал.  
19.15, 02.15 — «Диск-канал».  
21.00 «Полинезия саргузаштлари». Сериал.  
22.00 Шу куннинг янгиларлари.  
22.30 ТВ-6 кинотеатри. «Сибирь ерлари ҳақида қисса...».  
00.35 «Одамлар оламида».  
01.05 «Ҳафта ҳалокатлари ва урушлари».

10.45 «Мусика, мусика...».  
11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 24.00 — «Вести».  
11.35 «Петербург сирлари». Телесериал.  
14.35 «Унинг юзини тусинг». Телесериал.  
15.25 «Бойлар ва машхурлар». Телесериал.  
16.15 «Эртаксимон тушлик».  
16.30 «Биринчи бусалар». Телесериал.  
17.30 «Минора». Ёшлар ахборот-дам олиш дастури.  
18.00 «Компьютер».  
18.20 «Эски Янги йил». 2-серия.  
19.35 «Ипақдай». Қисқа метражли комедия.  
20.35 «Тафсилотлар».  
20.45 «Ўз-ўзига режиссёр».  
21.15 «Аляска, сэр!». Мусиқали фильм.  
23.05 «Қонун ва тартиб». Телесериал.

**ЧОРШАНБА, 13**

**ЎзТВ I**

5.00 Муборак Рамазон тўхфаси. «Муҳаммадун Расулulloҳ». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 5-фасл. 25-қисм.  
5.45 «Оқ ураган оналар».  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
7.30 «Ахборот».  
8.00 «Ўзбектеlevision» намойиш этади. «Отларни ким эгарлайди».  
8.10-8.30 «Музыка билан сирлашиб». Мусикий дастур.  
8.30 «Мехр қолур».  
8.55 «Кинонинг минг бир олами».  
9.15 «Остонаси тиллодан».  
9.40 «Кафолат».  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.  
10.05 «Талаб ва тақлиф».  
10.30 «Рақс, Рақс, Рақс...»  
10.50 «Дунё адабиёти».  
«Умид» намойиш этади:  
11.15 «Хижматлар хазинаси».  
11.35 «Сехрли оҳанглар».  
12.05 «Ўзбекистон аскарлари».  
12.35-14.00 «Қизлар давраси».  
18.10 «Омад юлдузи». Телевизион уйин.  
18.30 «Қалб гавҳари»  
18.45 «Турон қизлари». Спорт дастури.  
19.00 «Эл тинчилиги йўлида».  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Ўзлонлар.  
19.30 «Ахборот»(рус тилида).  
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Бевоҳитас мулоқот».  
21.50 Муборак Рамазон тўхфаси. «Муҳаммадун Расулulloҳ». Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 5-фасл. 26-қисм.  
22.35 «Ватан ҳимояси муқаддас». Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топган куннинг 7 йиллигига бағишланган тантанали йилгилиш ва концерт. «Туркистон» саройидан олиб қўрилади.  
23.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». 12-қисм.  
00.10 «Ахборот».

**ЎзТВ II**

18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Уйна, болажон, уйна». Мультмошоа).  
18.40 «Семурғ». Усмирлар учун кунгилочар дастури.  
18.55 Мусикий лаҳзалар.  
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.

**ПАЙШАНБА, 14**

**ЎзТВ I**

5.00 Муборак Рамазон тўхфаси. «Муҳаммадун Расулulloҳ». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 5-фасл. 26-қисм.  
5.45 «Минг бир воқеа».  
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».  
7.30 «Ахборот».  
8.00 «Мехрибон».  
8.20-8.30 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Зардулар».  
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.  
8.45 Еш хонандалар концерти.  
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телевизион 12-қисм.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.  
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.  
10.25 «Кодекс».  
10.45 Кундузги сеанс. «Вертикал». Бадий фильм.  
12.05 «Олтин тўп». Теннис клуби.  
«Умид» намойиш этади:  
Ватан ҳимоячилари кунига  
12.20 «Соғинч соҳили».  
12.40 «Ўхшаш чехралар».  
13.20 «Санъат гунаҳлари».  
13.40-14.00 «Ўзбекистон фуқароси».  
18.10 «Инсон — ҳаёт гултожи».  
18.25 «Харита». Халқроқ шарҳ.  
18.40 «Ажаб саодат эрур...». Бадий-публицистик курсатув.  
19.00 «Хидоят сари».  
19.25, 20.25, 21.00, 23.15 — Ўзлонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.55 «Озма-юз».  
20.10 Оқшом эртаклари.  
20.30 «Ахборот».  
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик курсатув.  
21.40 Муборак Рамазон тўхфаси. «Муҳаммадун Расулulloҳ». Кўп қисмли телевизион бадий фильм премьераси. 5-фасл. 27-қисм.  
22.30 «Умрим бағишладим созимга, овозимга». Фаттоҳон Мамадалиев.  
23.20 «Ахборот».  
23.50-23.55 Ватан тинчликлари.

**ЎзТВ II**

18.00 Курсатувлар дастури.  
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телевизион 12-қисм.  
18.55 «Мушоира».  
**Пайарик тумани 6-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувачиси.**



Роза Григорьевна Ли Қорақалпоғистон республикаси ИИВга қарашли поликлиникада физиотерапия бўлимида ҳамширалик қилиб келмоқда. Ўз касбининг моҳир устаси булган Роза опанинг жамоада ҳурмати баланд. Осойишталик посбонлари ҳам ҳамширадан беҳад мамнунлар. Бунинг ҳаммаси аёлнинг касбига фидойилиги ва ширин муомалалигидандир.

Роза опа оилада вафоли ёр, тўрт фарзанднинг меҳрибон онаси ҳамдир. Бу йил бу муҳтарам аёлнинг таваллуд топганига 55, меҳнат фаолиятига 25 йил тулади.

Опанинг посбонлар соғлиги йўлидаги беминнат хизматларига ривож, ўзларига омонлик, бахт-саодат тилаймиз.

**Д. ХУДОЙШУКУРОВ.**  
Озод Элмуродов туширган сурат.

### Шаҳзода

## SEN UCHUN, AYOL!

*Сенинг номинг билан бошланмоқда йил,  
Сенинг мадҳинг билан яйрамоқда дил,  
Бахт-иқболнинг куйламоқда тил,  
Давраларнинг тўри сен учун, Аёл,  
Мақтовларнинг зўри сен учун, Аёл!*

*Ой-у Қуёш кулса — сен учун кулар,  
Босган қадамингда чечаклар унар,  
Сен учун гузаллик, сен учун гуллар,  
Давраларнинг тўри сен учун, Аёл,  
Мақтовларнинг зўри сен учун, Аёл!*

*Тумарис лол бу кун мадҳингни тинглаб,  
Барчину Ширинлар қилади ҳавас,  
Анвойи гуллар ҳам қаршингда бир хас  
Давраларнинг тўри сен учун, Аёл,  
Мақтовларнинг зўри сен учун, Аёл!*

*Мақтовлардан мағрур бўлмагин фақат,  
Самоларга учиб кетмагин фақат,  
Сен билан шодликлар, сенда муҳаббат,  
Қалбимизнинг қўри сен учун, Аёл,  
Хонадоннинг тўри сен учун, Аёл!*

*Сенсиз хонадонлар қолар хувиллаб,  
Қуёшнинг тафти йўқ ёнар милтиллаб,  
Ойнинг кўзида ёш, боқар мўлтиллаб,  
Қалбимизнинг қўри сен учун, Аёл,  
Хонадоннинг тўри сен учун, Аёл!*

*Сен бор хонадоннинг файзи бўлакча,  
Сен куйлаган куйнинг авжи бўлакча,  
Сен эккан гулларнинг мавжи бўлакча  
Қалбимизнинг қўри сен учун, Аёл,  
Хонадоннинг тўри сен учун, Аёл!*

*Унутма:  
Янги йил тинимсиз мақтов йилидир,  
Ҳар бир мадҳияни оқлов йилидир,  
Ва яна унутма, синов йилидир,  
Синовларнинг зўри сен учун, Аёл,  
Шаҳзаданинг шеъри сен учун, Аёл!*

**«Ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-аппик, хушмуомападан иборат эмас. Ахлоқ — бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, инсон, ҳалоллик дегани».**

**И. КАРИМОВ.**

«Инсоннинг гузаллик туйғуси бамисоли гунча бўлса, унинг мумтоз хулқу одоби бу гунчанинг хусни жамолдир» — дейди халқимиз. Ахлоқ инсонларни яхшиликка қақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи илмдир.

Ўзбекиона миллий ахлоқ миллий маънавият ҳамда баркамол инсонни вояга етказишнинг ниҳоятда муҳим таркибий қисмидир. Миллий маънавиятни миллий ахлоқсиз тасаввур қилиш амри маҳол. Чунки, этиканинг ҳаётий, маънавий, миллий вазифаларини бошқа ҳеч қандай фан мутлақо бажара олмайди.

Инсоннинг маънавий камолотга етишиш пойдевори оиладан бошланади. Оиланинг фариштаси аёлдир. Оиланинг тинчлиги, фароғати, туқилиши ва бахти кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ.

«Постда» газетасида чоп этилган «Рашк дегани бир балодир» сарлавҳали мақолани ўқиб, меҳнат фаолиятим давомида дуч келган айрим ўта арзимас, лекин оилани барбод қилган келишмовчиликлар, унинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиб, жамиятимизнинг негизи бўлган оила ва уни асраш ҳақида ўз мулоҳазаларимни билдиришни лозим топдим.

Оилавий иноқликнинг ўзига хос томонлари мавжуд. Эр-хотиннинг бир-бирлари учун керак эканликларини ҳис этиб яшаши оилавий бахтнинг асосидир.

Хизмат юзасидан вилоятларда қизлар, аёлларимиз билан юзмаюз учрашганимизда, жуда эски, аммо ҳар юракда янгиладиган муҳаббат, қайнона-келин муаммоси, хиёнат, рашк ва оилада учрайдиган бошқа муаммоларга, саволларга дуч келамиз.

...Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманидаги учрашув сўнггида кузлари жиққа ёшга тулган жувон ёнимизга келди. У: «Опалар кўзим нега кеч очилди? Ахир ўз бахтимга ўзим зомин бўлдим-ку!» — деб йиғлаб юборди. Сўнгра дардини айтди: Оилалари яхши, эр-хотин ахил яшай бошлайди. Йигитнинг оиласи камбағалроқ бўлиб, келин бунини яхши ҳис этар ва йигитга ҳар гапида таъкидлашни хуш қурайди. Бир куни йигитнинг

узатилган сингилси туғилган куни муносабати билан уларни тақлиф қилди. Совғага нима олиб боришни билмаган ака хотинига уйдаги столга ёйилган духоба дастурхонни совға қила қолайлик дейди ийманиб. Жанжалга шу сабаб бўл-

## УАХШИ ХОТИН — OILANING DAVLATI

ди. Келинга бу гап ёқмади, нега энди онаси қилган совгани қайинсингилсига берсин?! Лекин йигит иложсиз эди. Ахир, эндигина туй қилган оилага ҳам осонмас. Келин бунини тушунмади: у меҳмонга бормади. Совгани култиқлаб она билан йигит сингилсиникига кетишди. Келин эса араблар, онасиникига кетиб қолди. Оиладаги биринчи дарз ана шу арзимас дастурхон туфайли пайдо бўлди. Йигит ва онаси келинни ялиниб-ёлбориб олиб келишди. «Шундай қилсам, ялинишаркан» деб уйлаган келин учун «ҳа» деса онасининг уйига йўл олиш одат тусига кирди. Натижанда жанжал, тушунмовчиликлар, қудаларнинг бир-бирига беҳурмат бўлиши туфайли оила бузилди. Орадан йил ўтиб, йигит ўйланди. Келин эса никоҳи беқор бўлганда ҳам ич-ичидан ҳаммаси тамом бўлганига — турмуши бузилганига ишонмаган, камбағал эрим менсиз яшолмайди, барибир ялиниб-ёлбориб қайтариб келади, деб ўйлаганди. У адашганини тушунганда эса кеч бўлганди.

У юм-юм йиғлаб шу учрашувда унинг ўрнини эгаллаган аёл ҳам боласини бағрига босиб утирганини айтди. Ўзи қанчалик яхши кийинган, зеб-зийнатга бурканган бўлмасин, оддий жигаргўшасини бағрига босиб ўтирган уша аёлнинг бахтли эканлигини та олди.

ми узгартирилган) исмли талаба олдимга келди. Домла, ҳозирги оила, муҳаббат тўғрисидаги мавзунингизни эшитиб ҳайрон қолдим. Сиз ҳали ҳам осмонда учиб юрибсиз, китобий, адабий гапларни гапирасиз. Ҳаётда ҳеч ундай эмас, деди у.

Сўнгра ўз «саргузашти»ни сўзлаб берди.

«Мен Деновданман, турмуш уртоғим Қашқадарёнинг узоқ бир қишлоғидан. Биз бир-биримизни севиб қолдик ва тезда туй бўлиши керак (!) бўлиб қолди. Туй бўлди, лекин уни асосан бизникилар кўтардилар. Йигит томон ҳали тайёр эмас, бундай туй қилишни ўйламаган эканлар. Мана, ҳозир ижарада турибмиз. Уйда ҳар куни жанжал, безор бўлдим. Ишонмайди, беҳурмат қилади, сенга учраган куним курсин деб худога нола қилади. Ахир қандай чидаб бўлади? Янги нарса олиб бермасан, ўзимга ва болага яхши гапирмасан. Кўнглим ҳам совиб кетди. «Севаман» деб ҳар куни заҳар-зақум ютишим керакми? Мен у билан ажрашаман, бошқа иложим йўқ. Болани онамникига жўнатиб, ўзим ўқишни давом эттиравераман. Ҳеч ким ҳеч нарса демайди болани кўриб, ахир эрга тегди деган номим бор-ку...»

Ҳа, эссиз йигит, эссиз қизлик шайни. Айтишадик «ошиқлик — ўқдек, совиса...» деб. Дунёда шун-

Ҳаммасига ўзим айбдорман, кўзим очлик қилди, турмуш уртоғимнинг ўша даврдаги ҳолати, шароитини тушуниб етмаганман, деди. Аёлнинг кеч бўлса-да, ўз хатосини тушуниб етгани келажақда адашмаслигига кафолатдир.

Бугунги кун ёшларининг оила масаласига муносабати қандай? Бунга ҳар йигит-қиз узича ёндошади. Баъзилари оила масаласига чуқур масъулият билан қараса, айримлари эса ҳисоб-китоб билан қурилган оилани маъқулроқ деб билишади. Бир куни Каромат (ис-

дай қизлар борлигига хафа бўлиб кетаман. Шарқда азалдан қизлик шайни, номусини авайлаб, асраб келишган, Бирор қиз йўқки, олпоқ ҳарир куйлак кийиб, келин бўлишни орзу қилмас. Лекин Кароматдай келинлик куйлагига доғ тушириб, тилига эрк бериб юрган қизларимизни қандай баҳолаймиз? Албатта бу тарзда сенга турмуш уртоғинг ишонмайди-да. Чунки ўзинг айбдорсан, шайтоннинг галига кириб, ўзингга эрк бергансан. Енгилтақлигингни бошдаёқ сезган эринг сендан албатта доим ҳадиқираб юради, беҳурмат қилади. Умуман, унда аёлларга нисбатан ишонч йўқолади. Сен аёл шайнига доғ туширдинг. Халқимизда нақл бор: «Гунаҳини кўзини сузмаса, буқача арқонини узмайди» деган. Шунинг учун мен айб кўпроқ сенда деб биламан. Сен оилани мустаҳкамлаш ўрнига, яхши гапириб кўнглини олиш ўрнига ажралишни ўйлайсан. Оиланинг фариштаси аёл, унинг муқаддас устунни, ҳожасини? Фариштанинг вазифаси ҳожасини асраб-авайлаш эмасми?

Оиланинг тотувлиги кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ. Аёл ҳаётнинг кўрки, умрининг қувончи, садоқатли умр йўлдоши, меҳрибон она. Оилавий бахтнинг қалити ҳам аёлда!

Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қўлуб» номли асаридида шундай дейдилар: «Яхши хотин — оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг осойишталиги ундан. Хусни бўлса — кўнгли ёзиғи, хушмуомала бўлса — жон озиғидир. Оқила бўлса — рўзгорда тартиб-интизом бўлади. Асбоб-анжомлар покиза, саранжом туради... Кимга шундай хотин учраса, бошига бахт қўшининг кўнгани шудир».

Оилани мустаҳкамлаб, обрўсини кутарар эканмиз, мустақил республикамизнинг келажаги ҳақида қайғурган бўламиз. Ҳаммамизнинг, ҳар биримизнинг бурчимиз ҳам шуни тақозо этади. Зотан, буюк қаҳрамонликларнинг ҳам, меҳнат жасоратларининг ҳам, юксак ахлоқий хислатларнинг ҳам манбаи — энг аввало оилада.

**Лаълихон МУҲАММАДЖОНОВА,**  
ТошДУ Фалсафа факультети этика ва эстетика кафедраси катта ўқитувачиси.

Sinov

# «VAFODORIM, BO'L OMON!»

Учинчи қаватда тураимиз, аёлим бир йилдан буён бе-мор, урнидан туролмайди. Тўрт нафар болам атрофида парвона. Мен бўлсам кун буйи бир юк машина-сини ҳайдаб чарчайман, фикру хаёлим уйда; хотиним кунни қандай ўтказди экан, қийналмадимикин, овқатландимикин, бирор нарсага зор бўлмадимикан, деб ўйлайман. Ишқилиб, бирор кор-ҳол бўлмасайди, деб қўрқаман. Хаёлларимни жамлаб, диққатимни йулга қаратаман...

Ишдан келгач эшикни очиб, ичкарига киришим билан иссиқ нигоҳлар менга тикилади, ниманидир интизорлик ила кутишади.

— Ассалому алайкум, аяси, дурустмисиз, зерикмадингизми, тамадди қилдингизми, — аста сўрайман аёлимдан.

— Шукр, ўзингиз чарча-

мадингизми? — эшитилар эшитилмас пичирлайди Амина бошини мен томонга бураркан. — Сизам роса қийна-либ кетдингиз, бир йилдан бери ҳузур-ҳаловатни билмайсиз. Кунглингизга олман-гу, мени отамникига обориб қўйинг, бир куним ўтар. Сиз... бошқага уйланиб эркалар-дек яшайверинг, мен сиздан розиман, дадаси. Фақат болаларим ҳар замонда бориб қўриб келишса бўлган.

Кунларнинг бирида шу гапларни эшитиб юрагимга худди пичоқ санчилгандек будди, миямра қаттиқ оғриқ кирди. Шу тоғда дунёга сигмай кетдим, ахир мен сен учун, болаларим учун ҳаётман.

— Нималар деяпсан, Амина, азоблар ўтиб кетар, ҳали бошингда офтоб ҳам чиқар, уйимиз нурга тўлар, мана кўрасан, мени айтди дерсан. Қўй шу тушкунликни, икки-

ланаверсанг ҳаёт ҳам раҳм қилмайди, шафқат тила Яратганди, дардимга шифо бер, деб тила. Сен билан севишиб турмуш қурганмиз, аҳд паймонимиз бут бўлсин, менинг кунглимни чўқтирма.

Кузларимда ногаҳон ёш пайдо бўлди, юзимни орқага ўғирдим. Кунглим тўлиб кетди, йиғладим. Тўрт боламнинг кузлари мултирайди, аяси атрофида парвона, эркатой Нодирим шеърлар ай-тиб беради.

Шу кун томоғимдан ушоқ ҳам ўтмади, туни билан мижжа қоқмадим. Онасининг-ку кузларида уйку қайда, ун икки ойдан бери шу аҳвол. Эрталаб туриб ишга кетаман...

Дастлаб Амина яхшигина юрвди, бирданига оёғини босолмай қолди. Поликлиникага олиб бордим, шифохона-ма-шифохона югурдик, нафи бўлмади. Унинг касали оғирлашса оғирлашдики, ен-

Орқамга минг истиҳола билан қайтдим, болаларим йиғлайди. Аям қани дейишди, нега ташлаб келдингиз, деб хархаша қилишади. Уларни алдайман, аянг ўзи юриб келади, дейман.

Ҳафта ўтиб аёлим ётган шифо масканга йўл олдим. Катта бог ичидаги уриндикларда ўтирган аёлларга назар солмай, ўтиб кетаётвудим, биров пичирлагани: «— Дадаси, тўхтанг, мен бу ёқдаман!» — деганини эшитиб, эсим чиқай деди, «— Эй ҳаёт, бормисан, қаёқдасан!» — дегим келди.

Ортимга ўғирлдим, кутилмаганда уриндикдаги аёллар қаторида Амина ҳам ўтирарди. У юра бошлабди, икки ёш жувон суяб, мен келадиган шанба кун ташқарига, очик ҳавога олиб чиқилган экан. Еру қўқка сигмайман, унинг кўзидаги кувонччи қўриб, қайта тугилгандай бўлдим. Аминани

суяб хонасига кирдик, худди ун саккиз ёшидаги каби у билан анча суҳбатлашдик. Тушкунлик аломатлари қолмаган, ҳаёт шириндек туюларди назаримда. Мен эса уйимнинг, болаларимнинг бахти, иқболи яна ҳаётга қайтганидан хурсанд эдим.

Яна қўёш қикди, қоронғу кунлар ўтиб кетди. Аёлим кўп қатори кўчага чиқадиган, дўконга борадиган, қўлларига сумка кўтариб, бозор қиладиган бўлди. Минг шукрки, менга, оиламга ҳам ёруғ кун бор экан. Одамлар, ҳаммаша жуфти-ҳалолнингиз, болаларингизнинг онаси, сизни оқ ювиб, оқ тарайдиган вафодор ёрларингизни асранг, дегим келади, дегани ушанда Маҳмуд шодланиб.

Мен ҳам Аёлингизни асрагин элим, дея ҳаёт синовидан ўтган дустимнинг изтироб ва шодлигини оққа кўчиришга жазм этдим...

Анвар ФУЛОМОВ,  
милиция майори.

## Ёлғиз аёл ухлар кучоқлаб тунни, Тўшаклари ёбон, ёстиғи ёбон. Барча юлдузлардан воз кечиб унга, Фамнок термулади бечора осмон.

Ҳалима Аҳмедова

Тун зулмати...

Ой олис-олиса...

Шу йуллар заиф... Юлдузлар шансиз...

Жулдур қийиндаги лўлидек дайидиган

кузакнинг беқарор шамоли эса шовқин солиб хазонбарларни эркига қўймай эрмақлайди. Унинг сочларига илашган заъфарон япроқлар атрофни ивирситиб-да, чарх уришдан тинмайди. Яланғоч дархатлар сўппайганча қалқиб-қалқиб осмонга тикиладилар гўё. Дунёга ҳасратнинг сурати чизилаётгандек. Буготларда шамол увиллайди. Томорқадаги бостирма устига ёгин-сочиндан эҳтиётлаб омонатига қўйилган тунука ерга тушиб ёлғиз юракка ваҳимали ҳужум бошлайди. Ток сўрсисига илинган қалпоқли чироқнинг ёғдуси шамолда ҳар ёнга лопиллаб, қоронғуликни бир зумгада қиличдек кесади.

Деразадан тушаётган шу заиф ёруғликда икки фаразанди билан ичкари уйда ёнма-ён ётган Ҳимоятнинг акси кўринади. Унинг кузлари уйқусиз. Ёлғизликдаги ҳасратли вужуди қалтирайди. Қўрқув-тахлика асирига олади. Нохуш уйлардан бўғилиб, юрак сиқилади. Упкаси вулқондек тўлиб тошади-ю товуш чиқарса, аллақачон ширин уйкуга кетган қизчалари уйго-ниб кетишларидан хавотирланади.

Ана, зумрад тонгдек бокира қизчалари ухлашаётти, улар ҳали ташқарида кўчи шамол турганини-да пайқамай, оналари вужудини ёлғизликнинг тигдор ханжари тилкалаётганини-да сезмай, иссиқ-қина уринлариде, ким билсин, эҳтимол ажиб тушлар кўришайтандир.

Ҳимоят бошини аста кўтариб ётоқнинг гира-шира қоронғилигида қизчаларига маънос термуларкан оналик меҳри ийиб, улардан кўз узмаз, паришон сочларини тўзгитганча шам ёғдусидек титраётган хаёллари келажакнинг кўчаларида нолон тентарар эди. Қизчаларига ёлғизгина Яратгандан наҳот тилаб термуларкан қалбининг бурчак-бурчаклари га яширинган изтиробли мунг бўзгича қисилиб ўқинч ёшларига баҳона бўларди.

Ташқарида шамол кутургандан кутурди. Унинг уйқусизликдан қизарган кузларида оёқ остида қолган япроқлардек ҳазинлик ва армон муҳассам.

«У-ф, яна шамол бўлаётти, шамол, қачон тўхтайдими бу?» Ҳимоят шундай хаёллаганча дераза томонга умидворлик билан нигоҳ ташлади. Ортиқ ётолмади. Кузларига қум тикилгандек уйку иммади.

Хонадоннинг юқори ҳовлидаги бошқа аъзолари уйкуда. Кўни-қўшилар ўз ором билан.

У эса... Ёлғиз у шамол каби бедор, юрагини бетароват тун сингари зим-зиё ҳислар ишғол этган. Чироқ ёқса ёришмайдиған соҳир ҳислар. Ёлғизлик, ҳасрат вужудини каламушдек кемиради, ўзини қай томонга қўйишни билолмайди.

Икки йилдики, унга авваллари мутлақо ёт ва тушуносиз бўлган ёлғизлик ҳисси кечалари жисму-жонини азоблайди.

Тўғри, унинг жаннат гулидек тоза қизлари ёнида, лекин улар ҳали гўдак, боз устига оналарининг дилини ўртаётган дардларни билишмайди.

Мискин хотиралар чангаллада унинг гамнок қалби унсиз фарёд чекар, чехраси рансиз, юраги зардобга тўлган, овозини узидан бўлак ҳеч кимса эшитмас эди.

...Ҳимоят гоҳида бегим кўнлари кўча-қўйда, сайилгоҳу майдончаларда ёш эр-хотинларнинг олдидан пилдираб шўх-шодон ўйнаб юрган ширин-шакар болакайларни, уларни эркалаб ширинлигу музқаймоқ билан сийлаётган дадаларини қўриб орзиқар, уларга ҳаваси келарди.

Нега унинг қизчалари бу бахтдан, шодликдан айри қолди, нега, қизчаларининг бошқалардан қаери кам? Унинг ичида, қалбида ардоқлаб юрган энг буюк ишқдан, сабрдан, тотли, пок, азиз туйғудан топган-тутгани шу бўлдики? Наҳотки, энди унинг борар йўли чангалзорга айланди, боғидаги гуллар сулиб, бағри хазонга тўлди. Тақдир шамоли қувончу шодликларини, сабру иродасини бунчалар эзгиласан?! Ҳаётнинг илиқ-иссиқ нурлари менга-да тескари бўлган, таянчим, суянчим, муҳаббатимга завол етган.

Ҳимоят кечалари шу каби уйлар оғушида оромсиз тўлғониб ётганда тўсатдан Анварнинг таниш ҳидини туйгандак бўлар, бир замонлар биргалашиб бош қўйган ёстиқдан-да кунгли ҳузурсизланарди. Қоронғи ётоқнинг гоҳ у, гоҳ бу томондан эрининг доимий қувноқ қўёғиси, ўли нигоҳи кўри-нарди кузларига. Ҳароратли эҳтиросларнинг асираси бўлган оналарни, кичик оналарнинг катта-катта қувончи дамларини интиқлик билан эсларди.

Энди унутдим деганда бари яна бошқатдан такрорланаверади, такрорланаверади...

Яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам қаноти бўлади. Қулфатни тўппа-тўсатдан хонадонга мўр-малаҳдек бостириб киришини ҳеч ким хаёлига келтирмаганди.

Баҳор эди... Ҳимоят оғирроқ эди. Аёлларнинг март байрами арафасида Анвар ишдан ярим тунда қайтган бўлишига қарамасдан эрта туриб хотинига байрам совғасини инъом этиб қизчаси Дилнозани кўтариб эркалаётганида:

— Чиройли экан, — деди Ҳимоят хурсандлигини яширолмай.

— Ёқдимми?

— Бўлмасам-чи, аммо ишингизда қачон ҳаловат бўлади ўзи, қачон одамларга ўхшаб уйда ўтирасиз? Яна ярим тунда келдингиз.

— Бу иш шунақалигини биласан-ку!

— Қачон қарама — жавобингиз шу.

— Хўп, нима дей бўлмасан?

— Қачонгача сизни кўтиб яшаймиз, шуларни уйлаб сиқилиб кетаман, нима сизда шахсий ҳаёт йўқми, зарурат тугилса меҳнат таътилидан ҳам қақириб олишади, бунақада энг катта ҳайкал сизга қўйилса керак.

Эри бақувват қўллари билан уни белидан қучиб узига тортиди:

— Вой, нима қилаяпсиз, қўриб қолишадими.

— Қўришса нима?

— Бугун байрам, ишга бормайсиз-а?

Дилноза ҳам ҳар кун сиз келгунингизча ухлаб қолади. Қаранг сизга талпинишини, соғиниб қолган.

— Кимга байрам, кимга хизмат: биласан-ку Ҳимо, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, сенга ҳозир асабийлашиш ярамайди, яхшиси ўзингдан гапир, тузукмисан, буниси ўғил бўлади, мана кўрасан, тўғримми? — деди эри мавзуну буриб.

— Билмасам, борди-ю Дилнозага сингил бўлса-чи?!

— Ҳа, майли, келишдик, унда сенга ёрдамчи бўлади, — деб кечга довура хайрлашиб ишга кетганда Ҳимоят эрининг ортидан тотли, бироз армонли хаёлларга берилганча кузатиб қолди.

Анвар ички ишлар идораси жиноят-қидирув бўлимида тезкор вақил бўлиб хизмат қилар, ўз ишини севарди. Қисмат ва фи-

олиб борасиз, албатта олиб борасиз.

— Кошки шундай бўлса...

— Албатта соғайиб кетасиз!

— Ҳимо, сен янги «меҳмон»ни кут, эшитаяпсанми кут, буниси ўғил бўлади, менинг ўғлим... — у сўзларини яқунламай оғриқ зўрайиб нафаси қисиб келаверди. Юрак охири бор хизматини ўтаётгани ҳақидаги даҳшатли хабарни ҳеч ким билмасди. Юрак уришдан тўхтаганда оламни Ҳимоятнинг фарёди тутганини ҳамма эшитди. Уларнинг хонадонига ғуссақор аза раҳна солди. Кунлар ўтиши билан Ҳимоят фикри-ёдини, келгусидаги ҳаётини мусибат шарпаси занжирбанд этганини беҳол-бемажол тан олди. Ҳаёт ҳали уни бу қадар ўрламаган эди.

Қанча сувлар оқиб ўтди, неча мартаба лойқалади, неча мартаба тиникди. Ҳимоят эса ҳамон хотиралар дунёсининг қўланқаси остида яшаб келади. Серзавқ оналарини эслаб ўқисик кунгли тирналади.

Маъшум кундан беш ойдан ортиқ вақт ўтгач, янги «меҳмон»ни шу хонадонда ту-

руқхонадан қаршилладими.

Қиз тугилди. Ёдгора

қўйишди исмини. Ҳи-

моятнинг келинлик уй-

га ҳаёт иплари янада ў-

вий боғлангандек бўлди.

Унинг бахтига кичик

қайинсинглиси бор

экан, бирга ётадиган

бўлишди, дилтанг, аламза-

да дамларда дардқаш

бўлди. Гоҳида қайинси-

нглисининг эртами-ке-

ми қўёвга узатилиб ке-

телишини уйласса, Ҳи-

моятнинг ичидан зил

кетгандек бўларди. Шундай бўлди ҳам.

Айниқса тўйдан кейин қизчалари билан уни

ёлғизлиги яққол билинди. Ҳовли этаги-

даги уйда кечалари қўриб чиқадиган бў-

қолди. У қизчаларини ухлатишга ухла-

тади-ю ўзи анчагача ухлай олмасди, баъзан

ёстигини намлаб чиқарди. Эски яраси ян-

гиланаверади.

Ҳимоят йиғирма ёшдан ошиб турмуш

қурди. Қўёв бўлмиш билан ўзи танишди,

юрди, синаб-синалди. Туй-томоша билан уни

қўвниқига узатишганига ёз келса олти йил

тўлади. У келин бўлиб тушган уйига ёпиш-

ди-қолди. Уйим-жойим деди. Фақат эрининг

ишига унинг ўзига хос қийинчиликларига

қуниқис ўз-ўзиндан бўлмади. «Юристингиз,

бошқа ишга ўтсангиз нима қилади?» — деб

эрининг кўнглига қўл солиб қурганида ҳар

сафар кескин рад жавобини эшитарди. На-

чора, тақдир, сув келса симирди, тош кел-

са кемирди.

Вақт дегани моҳир раққосадек гир айла-

ниб ўтаверар экан. Ҳеч бир куч йўқки уни

енголса.

— На илож, пешонасида шу қўрғилик

бор экан-да, икки йил ўтди, энди қизингиз

ни олиб келсангиз чакки бўлмас, қайнбўйни-

лари бор экан, одамларни биласиз-ку, бил-

ган у дейди, билмаган бу, — эл оғзига элак

тутиб бўлмаслигини яхши тушунган қарин-

дош-уруғ, қўни-қўшни Ҳимоятнинг келгуси

тақдири ҳақида қайгурганча ота-онасига

оғиз солишади.

— Нимасини айтасиз, шуни ўйлайвериб

қўйиб тамом бўлдим, суратим юрибди хо-

лос, иккинчиси ўғил бўлгандаям бошқа гап

эди, — дейди онаси мунгли кузларини жов-

дирапти.

— Ҳали ёш, бахти очилса ажабмас, те-

шик мунчоқ ерда қолмайди айланай, кун-

лингизни чўқтирманг, ўзингизни олдириб



дойилик, масъулият ва шараф деб биларди уни. Ҳаёт йуллари доимо шу нуқталарда туташиб хизматининг мазмун-моҳиятини, таъбир жоиз бўлса, шижоат белгиларди.

Уша кун Ҳимоятнинг тўшагига илк бор тиконлар сочилиди...

Сахармардонда Анвар касалхонада оғир ётганлиги ҳақида хабар келди.

Тунда аввалдан тузилган режага асосан гиёвандлик моддалари билан ноқонуний шугулланувчи жиноятчилар тўдасини қўлга олиш тадбири утказилиши лозим эди. Манзил тайин. Вақт белгиланган. Операция бошланганида жиноятчилар бунга пайқаб талева-сага тушиб қолишди. Қўзларига қон тўлди. Улардан бири жон аччиғида Анварнинг ўнг биқинига пичоқ санчганда Анвар қорнини чангаллаганча қонга беланиб қолса-да жиноятчини қўлдан чиқармади. Ҳамтоволқарнинг қўллари қишан солинди. Қилинмиш қидирмиш. Операция муваффақиятли ўтди. Бирок, у кўп қон йўқотган эди. Шундай бўлса ҳам охиригача мардона турди.

Ҳимоят тақдирнинг бу жафосини ҳали тўла-тўқис ўз шууридан ўтказмасдан касалхонага охиқди.

Эри ётган касалхонанинг ёп-ёруғ бўлими. Дорилар иси. Палата. Бурчакдаги ётган эрининг ранг-руйи заъфарон эди. Ҳимоят эрининг ёнига келиб қўлини аста силади. Анварнинг кўзи охира очилди.

— Шунақа буп қолди, Ҳимо.

— Тузалиб кетасиз, албатта тузалиб кетасиз, — унинг товуши бўзгидан титраб чиқди.

— Ҳимо, борди-ю мен... Дилнозани ўқситмагин, эшитаяпсанми, ўқситма, эҳтиётла, мен сизларни яхши қўраман, эшитаяпсанми Ҳимо?

— Эшитаяпман, эшитаяпман, ундай де-

манг, ҳали Дилнозани мактабга ўзингиз

Мирзамавр ХАЛИЛОВ.

**Sandiq**

**DOVYURAK BASHORAT**

Башорат Мирбобоева  
Ўзбекистон хотин-қизлари орасида биринчи бўлиб парашютда сакрай бошлади. Шунингдек, паровоз ҳайдашга ҳам биринчилардан киришди. Кейинчалик машинист-муҳандис бўлди.

**OQIZING NIDOSI QO'SHILGAN**

Корейслар томонидан 770 йилда қуйилган 48 тонналик кунгирак ниҳоятда чиройли жаранглайди. Нақл қилишларича, кунгиракни ясаётган устанинг қизи отасини металл эритиш вақтидаги кўпгина муваффақиятсизликларидан халос этиш учун эриб турган металлга узини ташлаган ва унинг ўлими олдидаги кичкириги металлга утиб қолган эмиш.

**«DIL OCHAR» ICHIMLIGI**

Қайнаб турган сувда шакарни эритиб, устига узум суви қушилади ва совутилади. 400 г узум суви, 40 г шакар, 600 г сув қи-фоя.

**TEMIRCHIMI YOKI CHILANGAR?**

Италиялик қизлар одатда қалайи ёрдамида ром очиб, ўз бахтларини синаб қуришади. Уч қиз уч бўлак қалайини ўчоқда эритиб, тоғорачадаги сувга ташлайди. Агар қотган қалайиннинг шакли болгага ўхшаса, демек у келгусида темирчи ёки чилангарга турмушга чиқармиш, қалайи аррага ўхшаб кетса — дуррадгор, бинокор ёки меъморга, елканга ўхшаса — денгизчига, китобга ўхшаса — муаллим, ёзувчига турмушга чиқармиш.

**IPNING YOG'ONLIGIGA BOG'LIQ**

Бир килограмм пахта толасидан қанча ип олинади? Ипнинг йўғонлигига қараб — тўрт галтакдан қирқ галтакча!  
**Холида ИНОҒОМОВА** тайёрлади.

**XATLARDAN SATRLAR**

Милиция кичик сержанти Ботиржон Толибовнинг уйдагилари келин излаб овора бўлишмади. Хонадон катталари у билан суҳбат чоғида ҳамкасби Барнохонга кўнгли борлигини улиб, хурсанд бўлишди. Орадан кўп вақт ўтмай уларнинг тўйи бўлиб ўтди. Бу икки ёш ҳозирда Тошкент шаҳар ИИББ навбатчилик қисмида хизмат қилишади. Ботиржон бевосита воқеа содир бўлган жойга чиқиб кетса, Барнохон телефон орқали берилган маълумотларни қабул қилиб олади. Ҳамкасблар иш ва турмушда учраётган айрим қийинчиликларни бирга енгишмоқда.

**А. МИРЗАЕВ.**

Бухоро шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Республикаси ИИБ тизимидаги шифохона замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бош ҳақим муовини, олий тоифадаги шифокор Сиддиқа Урозова ва малакали шифокор Зайнаб Тошевлар ўз ширинсуханликлари ва фойдали маслаҳатлари билан беморлар дардига малҳам излайдилар. Ҳамширалар эса муолажаларни ўз вақтида амалга оширишга ҳаракат қилишади. Ҳар доим ушбу тиббиёт масканидан даво топиб, оиламга тетик қайтар эканман, бағрикенг шифокорлар меҳрибонлигидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

**Б. АЛИКУЛОВ,** милиция подполковниги.

**BUYUK, BIROO...**

Донишмандлар айтадилар: «Агар покиза аёллар бўлмаганда, дунё аллақачон остин-устун бўлиб кетар эди. Шунинг учун ҳам, — Она буюк, бироқ, у «Она» деган номга доғ туширмас...»

**AYOL ADASHSA...**

Аёлнинг бир марта қилган ноҳуя хатти-ҳаракати у яшаган оила аъзоларининг юзини бир умр ерга қаратиб қўяди. Ақлли аёл эса, аввало, ўзига, кейин барча қариндош-уруғларига ва оила аъзоларига ҳамда узидан кейинги авлод-аждодларига иззат-ҳурмат инъом этади.

**KELIN**

Акани укадан, отани ўғилдан ва қариндош-уруғлардан юз ўгиришида тарбиясиз оилада катта бўлган келиннинг «пойқадами» беқиёс аҳамият касб этади.

**ONA — TARBIVACHSI**

Яхши фарзанд тарбиялаш учун учун она олим, педагог, жамоат арбоби ёки бирор идоранинг раҳбари бўлиши шарт эмас. У энг аввало яхши тарбияланган ҳақиқий инсон бўлса бас. Негаки, бола, айниқса қиз онанинг барча хатти-ҳаракатларидан нусха кўчириверади.

«Арқоғини қуриб, бузини ол, онасини қуриб, қизини ол», деган мақол бекорга айтилмаган бўлса керак.

**YODIMIZDA QOLGAN LAHZALAR**

Бухоро шаҳар ИИБ кўриқлаш бўлини милиционер Муминжон Қиличев Мухаббатхон билан оила қурди. Икки ёш бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот гуруҳи ходими, милиция лейтенанти Обиджон Валижонов, ШТБХХ ходими, милиция старшинаси Боймирза Қулжонов ва А. Икромов тумани ИИБ ходими, милиция кичик лейтенанти Исмоил Саидахмедовлар ўғил қуришди. Оила аъзолари яхши ният билан уларга Темурбек, Алишер, Нодир деб исм қўйдилар.

Тошкент тумани, Чувалачи қишлоғида яшаётган Абдусодиқ ота Турақулов иккинчи жаҳон уруши фаришадидир. У кишининг фарзандлари отахоннинг оловли йуллари, қуролдошлари, олган мукофотлари ҳақида

ажойиб альбом беади. Ундан ўғил-қизлар ёру-биродарларнинг дил сузлари, тарихий суратлари ҳам ўрин олган.

Шаҳрисабз шаҳар ИИБ тергов бўлини маси бошлиги Жамила Султонова ва Шаҳрисабз тумани ИИБ тергов бўлини маси катта терговчиси Жамила Бердиеваларга навбатдаги унвон берилди. Ҳозирда Жамилахонлар милиция подполковниги унвонида хизматни давом эттиришапти.

Қибрай тумани ИИБ бошлигининг муовини, милиция подполковниги Маҳмуд Умаров тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишга қўшган муносиб ҳиссаси учун туман ҳокимлиги томонидан икки хонали уй билан тақдирланди.

Хоразм вилояти ҳокимлиги ички ишлар идораларида баракали меҳнат қилаётган осойишталик посбонларига ижтимоий шароит яратиб бермоқда. Оила йилида Гурлан тумани ИИБ ходимлари, милиция капитани Жумабой Урозалиев ва милиция катта лейтенанти Ислом Ражабовларга уй қуриш учун ер участкаси ажратиб берилди.

**Булар ҳаммаси эмас. Балки Оила йили давомида республика ички ишлар идоралари ҳаётида рўй берган ва газетамизнинг «Muqaddas dargoh» саҳифасида ёритиб борилган денгиздан томчи лаҳзалар, холос. Ўйлаймизки, 1999 йил — Аёллар йили бундай қувончли воқеаларга янада бой бўлади.**

**Ayollar haqida**

**BUYUKLARNING ONASI**

Дунёдаги энг буюк кишиларнинг онаси аксарият оддий, камтар, меҳнатсевар, ҳалол-пок, ўз оиласига, турмуш ўртоғига садоқатли аёллар бўлишган.

**UNING ONASI**

Унинг онаси қалампирга бошқоронги бўлиб туққан эканми, тили аччиқ, ўзи қип-қизил эди.

**KELIN BIROV EMAS**


«Келиннинг қаргама, қизингга тегди», дейди кексаларимиз. Чунки келин биров эмас, шу оиланинг энг азиз фарзанди; бўлгуси авлодларнинг онаси ва меҳрибон тарбиячиси.

**ISHONCH IPI**

Эр-хотин ўртасида кўзга кўринмас ишонч «ипи» бўлади. У бир узилди-ми, бас, кейин уни қанча маҳкам қилиб уламанг, танбур симидек гоҳ бўшашиб, гоҳ таранглашиб беушшов овоз чиқараверадиган бўлиб қолади. Кейин нимжонлашиб, ҳиёлга узилаверади.

**Маҳмуд Тўра КўРҒОНИЙ**

**KROSSVORD**



Диагонал буйича: 1. Қасқонда пишириладиган миллий таом. 2. Тантаналарда йигитлар билан қизлар тарафма-тароф бўлиб ижро этадиган терма кўшиқ. 3. Йилнинг кеча ва кундузи тенглашадиган даврдан бошланадиган ой номи. 4. Уртага ёзиб, ноз-неъмат билан безатиладиган рўзгор буюми. 5. Ўзига хос нонлари билан танилган вилоят. 6. Уруги кукунидан ичимлик ва ширинлик тайёрланадиган жануб усимлиги. 7. Саноатлашган турар жой маскани. 8. Гуллаб, яшнаган диёр. 9. Пойгада босиб ўтилган йулнинг сўнгги босқичи. 10. Тангасиз, истеъмол қилинадиган балик. 11. Қишга сақланадиган полиз экини. 12. Абдулла Қодирий романи асосидаги видеофильм қаҳрамони. 13. Байрамларда осмонга отиладиган модда. 14. Диёр, она юрт. 15. Оммавий тарзда ўтказиладиган халқ тантанали томошалари. 16. Ширинлик тури. 17. Дунё мамлакатларида қўлланиладиган йил ҳисоби. 18. Тилнинг бир неча шева ва диалектларини ўз ичига олган маҳаллий гуруҳи. 19. Халқ санъати тури. 20. Ўзига хос, димлаб пишириладиган тансиқ таом. 21. Кўпчиликка ўрнак бўладиган намунали фаолият. 22. Шакар қиёмидан тайёрланадиган миллий ширинлик. 23. Меваси хушхўр жануб усимлиги. 24. Инсонга кўрсатилган ҳурмат, эҳтиром. 25. Қулги, табассум. 26. Миллий нон тури. 27. Қуёш чиқиши ёки ботиши олдидан уфқда ҳосил бўладиган манзара. 28. Кино намоиш этиладиган томошагоҳнинг тасвир кўрсатиладиган қисми.  
**Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.**

**«MUQADDAS DARGOH MALIKALARI»**

саҳифаларини  
**Э. САТТОРОВ,**  
**С. ШАМСИДДИНОВ,**  
**Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВА**  
ва **С. ШОДИЕВ**  
тайёрладилар.



Кейинги саҳифаларда учрашгунча, хайр! Хатларингизни кутамиз.

**QAYTAR DUNYO — BU DUNYO**

Мана, қиш фаслининг ҳам ярми ўтди. Бултур айни шу чоғларда сиз билан учрашгандим. Орадан бир йил ўтибди. Сиз ўшанда дарвоза ёнидаги ўриндиқда ўтиргандингиз. Кириб-чиқайтган одамларга термулардингиз. Ёнингизга бориб ўтириб, ўзимни таништирдим.  
— Бу ерга қандай келиб қолгансиз, хола?  
— Билмайман болам, тақдир экан, туз-насибам шу ерга сочилган бўлса керак-да, — қисқа жавоб қайтардингиз.  
Бошқа савол беришга менда журъат етишмади. Кўнглингизни ранжитиб қўяманми, деган ўйда эдим. Рўмолингизнинг учи билан кўзларингизни артиб: «Қарияним сари кўзим тез-тез ёшланадиган бўлиб қолибди» дедингиз ўзингизни юпатган бўлиб ва сўз бошладингиз:  
— Иккинчи жаҳон уруши тугаган йиллари турмуш ўртоғим билан оила қурдик. У киши заводда ишчи, мен эса мактабда фаррош бўлиб ишлардим. Етти фар-

занд кўрдик. Аммо барчасини ерга топширдик. Саккизинчи фарзандимга бошқоронғу бўлгач, муқаддас жойларни зиёрат қилиб, авлиёлар руҳига жонликлар сўйдик. Ўғил кўрдик. Умри узок бўлсин дея исмини Умрзоқ қўйдик. Худодан тилаб олган яккаю-ягона фарзандимизни мактабда, сунгра олий ўқув юртида ўқитдик. Ўғлим биринчи курсдалигида дадаси вафот этди.  
Умрзогим ёшлигида тиришқоқ, меҳнатқаш, интилувчан бола эди. Шу хислатлари билан иш жойида ҳам обрў-эътибор қозонди. Ўзи топармон-тутармон бўлгач, яхши кўрган қизига уйлантирдим. Бирин-кетин фарзандлари тугилиб, хонадонимиз невараларимнинг қувончу шодликларига тўлди. Ҳаммамиз яхши яшардик. Кейинчалик ўғлим ичиб келадиган, келиним жанжал қиладиган одат чиқарди. Бу ҳол ҳар кунни тақрорланарди. Жанжал менинг устимдан бўларди. Бир неча бор эшитиб қолдим. Сунгра мени «қариялар уйи»га олиб келишди. Шунга ҳам етти йил бўлибди...  
Аваллига шароитга қуни-қолмай кечаларни бедор у-

казардим. Шакардан ширин невараларимни соғиниб, уларни бир зум бўлса-да, кўргим келарди. Қани, ҳозир муъжиза юз берса-ю, қўлларим қанотга айланса, фарзандларим ёнига учиб борсам, юз-кўзларидан упиб, тўйиб-тўйиб суҳбатлашсам, дея орзу қилардим.  
Биринчи йили келганимда, қўшни хонада ёши мендан улугроқ кампир яшаркан. У хасталаниб, ётиб қолди. Унинг уч ўғли бор экан. Уларни интизорлик билан кутиб яшарди, бечора. Бир кун саховат уйи ходимларини, бизларни қақриб ризолашди ва:  
— Фарзандларимга ҳам қайтар-да, бу кургуликларим. Бирор марта йўқлаб ҳам келмади, ноинсофлар. Сизлар рози бўлинглар, — дея жон берди.  
Бу сузларни эшитдим, худди баданимни бир нима чаққандек сескандим. Нахотки, мен ҳам бир кун шу кекки наонахондек яккаю-ёлғизим — ўз туққан фарзандимни бир қуришга зор бўлиб...  
Дилимда умид учқуни сунгани йўқ. Бир кун ўғлим келади, мени олиб кетади, деган ишонч кўнглимни ҳеч тарк этмайди.

**Анвар ФУЛОМОВ,** милиция майори.

# ЭЛ-ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ХИМОЯСИДА

Хурматли муштарийлар! Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги ва ИИБ Бирлашган тахририяти ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолиятини тўлақонли ёритиш, ютуқларини тарғиб қилиш, уларнинг обрў-эътиборини ошириш ва халқ билан алоқасини мустаҳкамлаш, ходимларнинг маънавий дунёсини, уларнинг хизмат бурчиға содиқлиги, олий мақсадлар йўлида фидойилик кўрсатишга тайёрлигини матбуот саҳифаларида ёритиб бориш мақсадида энг яхши хикоя, шеър, очерк, сурат жанрлари бўйича "Эл-юрт осойишталиги химоясида" танловини эълон қилади.

Танловга жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини химоя қилиш йўлида жасорат, мардлик,

фидойилик ва садоқат намуналарини кўрсатаётган ички ишлар идоралари ходимлари ҳақида хикоя қилувчи бадиий асарлар тақдим этилиши кўзда тутилган.

Танловда хикоя, шеър, очерк, сурат жанрлари бўйича ғолиб деб топилганлар учун мукофотлар ҳар бир жанр бўйича алоҳида танлов ўтказилаётган пайтдаги Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам миқдоридagi ойлик маошнинг куйидагича миқдорида белгиланди:

- Биринчи мукофот** — 20 (йигирма) баравари миқдорида  
**Иккинчи мукофот** — 15 (ўн беш) баравари миқдорида  
**Учинчи мукофот** — 10 (ўн) баравари миқдорида

Танловга юборилаётган асарлар ёзув машинкасида уч интервалда кўчирилган бўлиши шарт. Кўлёмалар қабул қилинмайди. Танлов йил охирида яқунланади.

Танловга юборилаётган асарлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган тахририятининг "Постда", "На посту" газеталари, "Qalqon", "Ўқит" журналларида "Эл-юрт осойишталиги химоясида" руқни остида бериб борилади.

**Манзилимиз:** 700029. Тошкент шаҳар, Юнус Ражабий кўчаси 1-уй, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Бирлашган тахририяти. Тел: 139-70-40, 139-77-23.

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР



Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани ИИБ томонидан бедарак йўқолган. **Эркин Бадалов** қидирилмоқда. У 1930 йилда туғилган. 1998 йил 15 декабрь куни ўзи яшаётган Сирдарё тумани, Синдоробод жамоа хўжалигидаги уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Кийимлари:** эгнида бекасам тўн, қора шим, бошида сариқ қундузли телпак, оёғида калиш бўлган.

**Белгилари:** соқоли оқ, мўйлови ўсган, ўз хотирасини йўқотган.

**Эркин Бадаловни кўрган-билганлар Сирдарё тумани ИИБга 57-22-02; 57-91-42 телефонлари орқали хабар беришларини сўраймиз.**

Бекобод тумани ИИБ томонидан 1981 йил туғилган, Бекобод тумани, Зафар кўрғони, "Янги ҳаёт" кўчасида яшовчи **Акмал Маждов** қидирилмоқда. У 1998 йил 9 ноябрь куни ўзи яшаб турган уйдан чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

**Белгилари:** бўйи 165-170 см., озгиндан келган, сочи қора калта, юзи оқсарик, қоши қора, ўнг кўзининг пастиди кичик холи бор.

**Кийимлари:** эгнида яшил рангли шим, оқ-қора катак кўйлак, "Адиас" спорт камзули бўлган.

**Акмал Маждовни кўрган ёки у ҳақда бирор маълумотга эга бўлган фуқаролар яқин ўртадаги милиция бўлинмасига хабар беришларини сўраймиз.**



### КҮЙ (21 март – 20 апрель)

Ушбу ҳафтада муҳим воқеалар содир бўлмайди. Сешанба куни олисдан хушхабар кутинг. Жума – ғаройиб саргузаштларга бой кундир. Харидларни яқшанба куни қилганингиз маъқул.

### СИГИР (21 апрель – 21 май)

Етти кун мобайнида кўп асабийлашасиз ва ишингиз юришмайди. Бунга тайёр турунг. Фақат сешанба ва жума кунлари меҳнат жабҳасида муайян ютуқларга эришасиз.

### ЭГИЗАКЛАР (22 май – 21 июнь)

Душанба куни ажойиб инсон билан танишасиз. Чоршанба куни келишмовчилик келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Ижодий муваффақият пайшанба куни кутилмоқда. Умуман, ҳафта тинч ва осойишта ўтади.

### ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь – 23 июль)

Мазкур ҳафтанинг бошида кўплаб фойдала маълумотларни кўлга киритасиз. Чоршанба ва пайшанба кунлари кайфиятингиз аъло даражада бўлади. Дам олиш кунларингиз кўтаринкилик ва ижодий руҳда ўтади.

### АРСЛОН (24 июль – 23 август)

Ушбу ҳафта сиз ўйлагандан ҳам аъло даражада кечади. Мўмайгина пул ишлаб олишингиз ва келгусида хизмат лавозимингиз ошиши учун имконият яратишингиз мумкин. Яқшанба куни ўз яқин кишиларингиз билан мулоқот кутилмоқда.

### БОШОҚ (24 август – 23 сентябрь)

Душанба ва сешанба кунлари бажараётган ишингизда маълум тўсиқларга дуч келасиз. Саломатлигингиз чоршанба куни ёмонлашиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Пайшанба куни ажойиб учрашув кутилмоқда. Дам олиш кунларини ҳонадонингиздан бошқа жойда ўтказиб, ўй-хаёлларингизни бироз чалғитишни маслаҳат берамиз.

### ТАРОЗИ (24 сентябрь – 23 октябрь)

Мазкур ҳафтанинг биринчи ярмида ишингиз ва шахсий ҳаётингизда учрайдиган муаммоларни ҳал этишга муваффақ бўласиз. Жума куни меҳнат фаоллигингизни яна-

## MUNAJJIMLAR BASHORATI

11 - 17 январь

да оширинг. Дам олиш кунлари ўзингизни бўш кўйганингиз маъқул. Акс ҳолда душанбадан пайшанба кунгача эришган барча ютуқларингиз чиплакка чиқиши мумкин.

### ЧАЁН (24 октябрь – 22 ноябрь)

Рухингиздаги ҳорғинлик ҳафта давомида сизни тарк этмайди. Чоршанба ва шанба кунлари кутилаётган келишмовчиликлар саломатлигингизга ўз таъсирини кўрсатади. Умуман ҳафта давомида теварак-атрофингиздаги кишиларга хайрихоҳ бўлишга ҳаракат қилинг.

### ЁЙ (23 ноябрь – 21 декабрь)

Душанба, сешанба ва жума кунлари иш-хонангизда, шунингдек, шахсий ва ижодий ишларингизда ютуққа эришасиз. Жамоатчилик тадбирида чоршанба куни иштирок этмаганингиз маъқул. Бундан на маънавий, на моддий қониқиш оласиз.

### ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь – 20 январь)

Мазкур ҳафтанинг дастлабки кунлари ғаройиб саргузашт кутилмоқда. Сешанба – ижод учун кулай кун. Моддий ютуққа пайшанба куни эришингиз эҳтимолдан холи эмас. Яқшанба кунги оилавий жанжал кайфиятингизга таъсир кўрсатади.


### КОВҒА (21 январь – 19 февраль)

Унча омадли бўлмаган душанбадан сўнг иш суръатини яна тезлаштириб юборасиз. Чоршанба ва пайшанба кунлари даромадга эга бўлишингиз учун имкониятлар мавжуд. Шанба куни кутилмаган хушхабардан воқиф бўласиз.

### БАЛИҚ (20 февраль – 20 март)

Мазкур ҳафтанинг биринчи ярмида омадсизликлар ва соғлигингиз билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Фақат жума кунингизда меҳнатингиз натижасидан мамнун бўласиз. Дам олиш кунларидан энг муваффақиятлиси яқшанбадир.

## "ИККИ ХИКМАТ" БОШҚОТИРМАСИ



1. Шарқда V-VI асрларда пайдо бўлган тигли қурол.
2. Зобитлик даражасини белгилловчи, махсус таъсис этилган ном.
3. Мирқарим Осим қиссаси.
4. Мўлжалга олинган нарса.
5. "Сиҳат тиласанг кўп ема, .? тиласанг кўп дема" (мақол).
6. Пўлат симдан тўқилган кийим.
7. Ёғин.
8. Алоқа воситаси.
9. Тўппонча филофи.
10. Саккизта ўткир учли геометрик шакл.
11. Қуролли Кучлардаги катта зобитлик унвони.
12. Қўл, бош ҳаракати билан берилган белги.
13. Турли энергия нурланишини ютадиган, ўзгартирадиган ёки қайтарядиган сиртли қурилма.
14. Муҳим сана, байрамларни тўплардан бир неча бор ўқ узиб олқишлаш.
15. Давлат мукофоти.
16. Металл нишон.
17. "Кўшалок товоқ, ичи тўла ёғ" (топишмоқ).
18. Лотин алифбоси охириги ҳарфидан олдинги ҳарф номи.
19. Қахрамон шаҳар.
20. Шифобахш гиёҳ.
21. Топишмоқ: "Тутган ерини узар".
22. Генерал ва полковникнинг қишки кийимларидан бири.
23. Ҳарбий хизматчи.

**Агар топган жавобларингизнинг барчаси тўғри бўлса, шаклнинг жуфт куюк чизиклар орасига олинган иккинчи халқасида Қуролли Кучлар ҳақидаги ҳикматли сўзларини ўқийсиз.**

**Шаклнинг куйи қисмидаги шифо-программадаги сонлар остига ҳозиргина бошқотирмага топган жавобларингиздаги мос келувчи ҳарфларни ёзиб чиқсангиз, унда ёшларга қарата айтилган ҳикматлардан бири аён бўлади.**

**Қаср чизигининг остидаги рақам "очкич" сўз (жавоб)нинг тартиб рақамини, устидагиси эса шу сўзнинг нечанчи ҳарфини олиб ёзиш зарурлигини англатади.**

**Тузувчи: Ҳамидулла АБДУЛЛАЕВ, истеъфодаги ички хизмат подполковниги**

### ГАЗЕТАМИЗНИНГ 1998 ЙИЛ 31 ДЕКАБРЬ СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Ёй бўйича: 1. Мушак. 2. Беруний. 3. Сешанба. 4. Токио. 5. Қовун. 6. Қорбобо. 7. Қодирий. 8. Палов. 9. Шанба. 10. Қосимов. 11. Коломбо. 12. Танго. 13. Патир. 14. "Парвона". 15. Бангкок. 16. Норка. 17. Ҳолва. 18. Шодиёна. 19. Тошкент. 20. Чанғи. 21. Сайил. 22. Зафарий. 23. Фарғона. 24. Туман. 25. Зухра. 26. Баходир. 27. Қамария. 28. Баҳор. 29. Шамол. 30. Илтифот. 31. "Алпомиш". 32. Чўпон. 33. Кўшиқ. 34. Душанба. 35. "Муножот". 36. Муҷал.

**Топшириқда: Янги йил тинчлик, ҳар жабҳада омад йили бўлсин!**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси раҳбарияти ва шахсий таркиби эксперт-криминалистика факультети жиноятларни тергов қилиш тактика ва услубиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси, милиция подполковниги Х. Икромовга отаси **Темир ИКРОМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадilar.

Тошкент шаҳар ИИББ ўқув маркази курс бошлиғи ўринбосари, милиция капитани Ж. Машариповга онаси **Пошшо МАШАРИПОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадilar.

## Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган тахририяти

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700029, Тошкент, Юнус Ражабий кўчаси, 1

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

### Бош муҳаррир Зокир АТАЕВ

Нашр учун масъул

**Эркин САТТОРОВ** (Бош муҳаррир ўринбосари в.б.)

Навбатчи:  
**С. ШАМСИДИНОВ.**  
 Мусаҳҳихлар:  
**Н. Султонова**  
**Г. Холиқова**  
 Саҳифаловчи:  
**М. Насретдинова**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
 Бош муҳаррир — 139-70-40, пейжер: ..... (088) 25-25  
 Бош муҳаррир ўринбосари — .. 139-77-23, пейжер: ..... (088) 24-16  
 муҳбирлар бўлими ..... 139-75-69.  
 Факс: ..... 54-37-91.

Газета тарқатиш масалалари бўйича мурожаат учун:  
 тел.: ..... 139-70-40,  
 факс: ..... 54-37-91,  
 пейжер: ..... (088) 36-97.

**Бизнинг ҳисоб рақамимиз:** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҳисоб-китоб — касса марказида: 21506000200447980001, МФО 00014.

● Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.

● Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

● Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.

● Кўлёмалар тахлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00007. Буюртма Г — 025. Ҳажми — 4 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида.

Босишга топшириш вақти — ..... 19.00.  
 Босишга топширилди — ..... 18.00.

Обуна рақами — **180**

**116832** нусхада чоп этилди

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.